Халқ сўзи


Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 22 август, № 171 (9342) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ АРАФАСИДА ИНТЕРВЬЮ БЕРДИ



— Ҳурматли Президент жаноблари, сўнгги йилларда Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари жадал ривожланиб, энг юксак босқич — иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Ўзбекистонга яқин вақтда кутилаётган давлат ташрифингиз арафасида икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— Икки қардош мамлакат — Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар муштарак тарих, маданият, тил ва маънавий қадриятлар, шунингдек, халқларимизнинг асрлар оша, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги ва чуқур ўзаро меҳр-оқибатига таянади. Ана шу мустаҳкам пойдевор асосида қурилган давлатлараро муносабатлар сўнгги йилларда мисли кўрилмаган ривожланиш босқичига кириб, энг юксак поғона — иттифоқчилик даражасига кўтарилди ва мутлақо янги мазмун касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, менинг азиз биродарим, ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев билан ўртамиздаги самимий дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч Озарбайжон — Ўзбекистон қардошлигини мустаҳкамлаш, давлатлараро алоқаларни бугунги даражага олиб чиқиш ва иттифоқчилигимизни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Президент Мирзиёевнинг мамлакатларимиз қардошлиги, бирлиги ва иттифоқчилиги йўлидаги тинимсиз ва қатъиятли фаолияти Озарбайжонда унга нисбатан чуқур ҳурмат ва меҳр уйғотган.

Айтиб ўтганимдек, давлатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот жуда юқори даражада. Шубҳасиз, олий даражадаги мунтазам ўзаро ташрифлар — сўнгги беш йилда уларнинг сони 15 тани ташкил этди — ва яқин мулоқотларимиз ушбу алоқаларни жадал ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратмоқда.

Охирги беш йилда бу менинг қардош мамлакатга учинчи давлат ташрифим ва умуман олганда еттинчи ташрифим бўлади. Гўзал ва бетакрор Ўзбекистонга ҳар бир ташрифим мен учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, доимо катта мамнуният бағишлайди. Анъанага кўра, бу ташрифлар юксак меҳмондўстлик, қардошлик, самимият ва ўзаро англашув муҳитида ўтади. Қардош Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда, айниқса, сўнгги йилларда мамлакатнинг барча соҳаларда жадал ривожланаётганини кўриб, қувонаман. Замонавий шаҳарларнинг барпо этилиши, иқтисодиётнинг диверсификация қилиниши, йирик инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши, илм-фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларига қаратилаётган эътибор мамлакатнинг юксак ўсиш суръатларини яққол намоён этмоқда.

Ўзбекистон етакчиси, ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг доно раҳбарлиги остида мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш ва равнақ топтириш йўлида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора юксалаётгани ва барча асосий тармоқларда эришилаётган салмоқли ютуқлар самимий ҳурмат ва чуқур мамнуният уйғотади. Буларнинг барчаси Президентнинг пухта ўйланган сиёсати, стратегик қарашлари, Ватанга муҳаббати ва самарали давлат бошқарувининг натижасидир.

2024 йил август ойида менинг Ўзбекистонга давлат ташрифим, 2025 йил июль ойида эса Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Икки томонлама ташрифлар доирасида имзоланган кўплаб ҳужжатлар, хусусан, Стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация ва Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки мустақил, кучли ва суверен давлатларимиз ўртасидаги табиий иттифоқчиликни расман мустаҳкамлади. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини янада кучайтириб, келгусидаги ҳамкорлигимизни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди.

Шу билан бирга, 2023 йил август ойида ташкил этилган Олий давлатлараро кенгаш Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштиришнинг муҳим институционал механизмига айланди. Мазкур платформа давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг узоқ муддатли устувор йўналишларини белгилаш, янги ташаббусларни илгари суриш ва турли соҳалардаги ҳамкорликни самарали мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда. Кенгашнинг Тошкент ва Бокуда ўтказилган икки йиғилиши Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларининг юксак суръатларда ривожланаётгани, сиёсий мулоқотнинг изчиллиги ва давлатларимизнинг истиқболга мўлжалланган қўшма фаолиятга қатъий интилишини кўрсатмоқда.

Бугун сиёсий муносабатларимиз иқтисодиёт, инвестициялар, саноат, транспорт, логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим, илм-фан, маданият ва гуманитар соҳалардаги кенг кўламли амалий ҳамкорлик билан янада бойимоқда. Амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятини бирлаштириш билан бирга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамламоқда.

Ишончим комилки, бўлажак ташриф ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги қўшма ташаббусларни амалга ошириш ва иттифоқчилик муносабатларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

— Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларининг муҳим йўналишларидан бири савдо-иқтисодий ҳамкорликдир. Бу соҳада эришилган ютуқлар ҳақида нима дея оласиз?

— Савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз сўнгги йилларда жадал ривожланмоқда. 2025 йилда Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 3 баробардан зиёд кўпайиб, 795 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу жуда яхши кўрсаткич. Шунингдек, 2026 йил январь — май ойларида товар айирбошлаш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33 фоизга ўсиб, 144 миллион АҚШ долларига етди.



Уч йил аввал умумий капитали 500 миллион АҚШ доллари бўлган Озарбайжон — Ўзбекистон инвестиция компаниясининг ташкил этилиши мамлакатларимиз ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим платформа яратди. Компания Озарбайжон ва Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бундан ташқари, Ҳукуматлараро комиссия иқтисодий, савдо, инвестиция ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунга қадар комиссиянинг 15 та йиғилиши ўтказилди. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда Озарбайжон — Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати, эришилган натижалар ва келгусидаги ривожланиш йўналишлари атрофлича муҳокама қилинди.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлигимиз ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг «O‘ZLITINEFTGAZ» ва «SOCAR»нинг «NIPI Neftegaz» институтлари негизида ташкил этилган «Neftgaztexnologiya» қўшма корхонаси 2016 йилдан буён нефть-газ соҳасида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2024 йилда «SOCAR» ва «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган «Turan Energy APESCO» қўшма корхонаси «Azerikimya» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган юқори босимли полиэтиленни Ўзбекистонга экспорт қилмоқда.

«Яшил» энергетика соҳасидаги ҳамкорлигимиз ҳам давом этмоқда. 2025 йилда Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг тегишли энергетика идоралари томонидан Бокуда «Yasil Dehliz Birliyi» масъулияти чекланган жамияти таъсис этилди. Мазкур қўшма корхона Озарбайжон — Марказий Осиё «яшил» энергия йўлаги лойиҳасини амалга оширишни мувофиқлаштириш, қайта тикланувчи энергияни экспорт қилиш ва уни Каспий денгизи туби орқали узатиш имкониятларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган.

Икки мамлакат ўртасидаги транзит ташувлари ҳажми ҳам ўсмоқда. 2025 йилда бу кўрсаткич 6,7 фоизга ошиб, 1,4 миллион тоннани ташкил қилди. Жорий йилнинг январь — июнь ойларида эса 12,2 фоизлик ўсиш қайд этилиб, ташувлар ҳажми 675 минг тоннага етди.

Ўзбекистон томони билан амалга оширилаётган қатор қўшма лойиҳалар иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мамлакатларимиз учун янги ривожланиш имкониятларини яратишга муҳим ҳисса қўшмоқда. Бу борада озод этилган Фузулий туманида 100 гектар майдонда «Дўстлик боғи» номли анорзор барпо этилиши, шунингдек, «Chevrolet» автомобиллари ва «Isuzu» автобусларини ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида қайд этиш мумкин. Маълумот учун айтиб ўтсам, 2026 йил 13 июль ҳолатига кўра, жами 10 720 та «Chevrolet» автомобили ва 275 та «Isuzu» автобуси ишлаб чиқарилган.

Айни пайтда мамлакатимизда Ўзбекистон инвестициялари иштирокидаги 130 дан зиёд тижорат ташкилотлари рўйхатдан ўтган бўлиб, улар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш каби иқтисодиётнинг турли йўналишларида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистон компанияларининг Озарбайжондаги фаолияти мамлакатларимиз ўртасида шаклланган ўзаро ишонч, қулай инвестиция муҳити ва мустаҳкам иқтисодий шерикликнинг яққол ифодасидир.

➡2

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 23-24 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг учинчи йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасидаги кооперацияни чуқурлаштириш, транспорт-транзит соҳасидаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, фаол маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш масалалари диққат марказида бўлади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашадилар, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида салмоқли ҳужжатлар тўпламини имзолаш ҳамда қатор иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни ишга тушириш кўзда тутилган.

Қайд этиш жоизки, айни кунларда Ўзбекистонда икки мамлакат ҳудудлари форуми ҳамда бошқа қўшма тадбирлар ўтказилмоқда.

ЎзА.

Учрашув

ТАЖРИБА АЛМАШИШ ВА АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “Рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқлари: замонавий ёндашувлар” мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари — омбудсманлари билан учрашди.

Мулоқотда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, парламентлар, омбудсманлар ҳамда миллий инсон ҳуқуқлари институтлари ўртасида тажриба алмашиш ва ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Учрашувда инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқ билан бевосита мулоқотнинг аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сенаторларнинг ҳудудларда аҳоли билан учрашувлари ва сайёр қабуллари, фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ҳамда парламент назорати механизмлари орқали қонунлар ва давлат дастурлари ижросини таҳлил қилиш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

➡2

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ДОИР ИСЛОҲОТЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Тошкент шаҳрида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси ваколатхонаси ҳамкорлигида “Рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқлари: замонавий ёндашувлар” мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган мазкур тадбирда ўндан ортиқ давлатлардан омбудсманлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, халқаро ташкилот вакиллари ва экспертлар иштирок этди.

Халқаро конференциянинг хорижий қатнашчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ташриф буюрди. Мулоқотларда сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ва депутатлар қатнашди.

➡2

ХОРАЗМНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ

Хоразм воҳасида кейинги ўн йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига назар ташласак, унинг бутун бўйбасти кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади. Ўн йил — бу вилоят ўз имкониятларини қайта кашф этган, қадимий замин салоҳиятини замонавий тараққиёт билан уйғунлаштирган, янгиланиш ва юксалишлар руҳига йўғрилган давр бўлди, десак, айни ҳақиқат.



Ташрифдан кейинги ўйлар...

Эътиборлиси, қадимий Хива кўчаларида дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар оқими тобора кўпайиб, Урганчнинг бугунги гўзал жамоли, беқиёс бунёдкорликлари ҳар бир кишининг кўксида ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Бу манзараларга боқар экансиз, кеча билан бугунни қиёслагингиз, ўзгаришлар кўламини ҳис қилгингиз келади. Ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий ишлаб чиқариш нуқталари пайдо бўлаётгани, ёшларнинг илм-фан, технология, инновация ва тадбиркорликка дадил кириб келаётгани ҳаётбахш ўзгаришларнинг ёрқин ифодасидир.

Кейинги йилларда вилоятда қанчадан-қанча мактаб қурилди, корхоналар ишга тушди, йўллар янгиланди. Албатта, рақамлар муҳим. Аммо бу ўзгаришларнинг ҳақиқий қийматини тинимсиз меҳнат, изчил изланиш ва интилишлар белгилаши рост. Зеро, тараққиётни фақат янги бинолар, равон йўллар ёки ишлаб чиқариш корхоналари билан ўлчаб бўлмайди. Унинг энг катта мезони — инсоннинг ҳаёти, кайфияти ва эртанги кунга ишончи. Ва бу янгиланишларга энг муносиб баҳони, аввало, шу элда яшайдиган, тақдирини шу замин билан боғлаган юртдошларимиз бера олади.

➡4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 22 август

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ АРАФАСИДА ИНТЕРВЬЮ БЕРДИ

1

Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари бир-бирини тўлдиради ва бу ҳамкорликнинг янги шаклларини яратиш учун кенг истиқболлар очади. Биз Озарбайжон компанияларининг Ўзбекистонда, Ўзбекистон компанияларининг эса Озарбайжонда янада фаол ишлашини, шунингдек, қўшма ишлаб чиқариш ва инвестиция лойиҳалари сонининг кўпайишини қўллаб-қувватлаймиз.

Озарбайжон ҳам Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда. Бу борада «PASHA Holding» компанияси томонидан Тошкент шаҳрида «The Ritz-Carlton» бренди остида қурилаётган меҳмонхона ва тураржой мажмуаси, шунингдек, Тошкент вилоятидаги «Sea Breeze Uzbekistan» йирик сайёҳлик ва тураржой мажмуаси лойиҳаларини қайд этиш мумкин.

— Сизнингча, маданий дипломатия Озарбайжон — Ўзбекистон давлатлараро алоқаларини мустаҳкамлашда қандай ўрин тутади?

— Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик муштарак илдизлар, тил ва маданият яқинлиги, шунингдек, асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларга таянувчи муносабатларнинг ажралмас ва муҳим йўналишларидан биридир. Бу соҳадаги ҳамкорлик халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашув, ишонч, дўстлик ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб, гуманитар алоқаларни янги мазмун билан бойитмоқда.

Халқларимизнинг ўзаро интилиши ва давлатларимизнинг биргаликдаги қўллаб-қувватлаши туфайли маданий-гуманитар алоқалар сўнгги йилларда муваффақиятли ривожланмоқда. Биргаликда ўтказилаётган маданият кунлари, санъат фестивалларри, илмий анжуманлар, адабиётларни нашр этиш ва таълим дастурлари икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар кун тартибини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади.

2023 ва 2025 йилларда Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2024 йилда эса Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти кунлари ўтказилди. Шу йили Хива шаҳрида «Шуша кунлари» ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг нуфузли делегацияси Бокуда Биринчи туркологлар қурултойининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган Туркий дунё ҳафталигида иштирок этди.

Қардош мамлакатдаги энг қадимий ва нуфузли олий таълим муассасаларидан бири — Ўзбекистон Миллий педагогика университетининг буюк озар шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий номи билан аталишидан фахрланамиз.

Ўтган йили Боку марказида мен ва азиз биродарим Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан пойдевори қўйилган, 5 гектар майдонни эгаллайдиган «Ўзбекистон» боғи қардошлигимизнинг яна бир рамзига айланади.

Ҳайдар Алиев жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ташаббус ва лойиҳалар ҳам икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик Озарбайжон ва Ўзбекистон маданий-гуманитар шериклигининг етакчи йўналишларидан биридир. 2025/2026 ўқув йилида Озарбайжонда Ўзбекистоннинг 67 нафар фуқароси, Ўзбекистонда эса Озарбайжоннинг 176 нафар фуқароси таҳсил олди.

Ўзбекистон ташаббуси билан Фузулий шаҳрида барпо этилган ва фаолият юритаётган Мирзо Улуғбек номидаги умумтаълим мактаби таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридан бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатларининг яна бир ифодасидир. Ушбу эзгу ташаббус, шунингдек, озод этилган ҳудудларимиздаги тиклаш ва бунёдкорлик ишларига кўрсатилаётган кўмак учун бутун Ўзбекистон халқига ва шахсан Президент Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирамиз.

Медиа соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим натижалар бермоқда. 2024 йилнинг 23 — 25 сентябрь кунлари Тошкентда I Ўзбекистон — Озарбайжон медиафоруми, 2025 йилнинг 29 сентябрь куни Бокуда II Озарбайжон — Ўзбекистон медиафоруми ўтказилди. 2023 йилда Фузулийда Озарбайжон ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг I форуми, 2024 йилда эса Тошкентда Ўзбекистон ва Озарбайжон ННТлари ҳамкорлигининг II форуми бўлиб ўтди. Ушбу форумларнинг амалий натижаси сифатида 2026 йилда икки қардош мамлакат илк бор ННТлар учун қўшма грант танловини эълон қилди. Танлов якунларига кўра, Озарбайжоннинг ғолиб лойиҳалари Ўзбекистонда, Ўзбекистоннинг ғолиб лойиҳалари эса Озарбайжонда амалга оширилади.

Ўзбекистондан Озарбайжонга сайёҳлик сафарлари сони ҳам ортиб бормоқда. 2024 йилда мамлакатимизга Ўзбекистоннинг 46 минг, 2025 йилда 62 минг, 2026 йил январь — август ойларида эса 44 минг нафар фуқароси ташриф буюрди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Боку — Тошкент, Исмоилий — Риштон, Шуша — Хива, Ланкаран — Бухоро, Шеки — Қўқон, Биласувар — Термиз, Мингечевир — Наманган, Фузулий — Гулистон, Губа — Жиззах ва Бейлаган — Шаҳрисабз шаҳарлари ўртасида биродарлик ва шериклик алоқалари ўрнатилган. Яқин вақтда Нахчивон ва Урганч ўртасида ҳам биродарлик муносабатларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бугун Озарбайжон ва Ўзбекистон шаҳарларини биродарлаштириш ташаббуслари халқларимизни янада яқинлаштирадиган, муштарак тарихий, маданий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлайдиган, келажак авлодлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайдиган муҳим ҳамкорлик платформаларидан бирига айланган.

Шундай қилиб, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик нафақат икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналиши, балки халқларимизнинг муштарак қадриятлари, бой маданий мероси ва қардошлик ришталарини асраб, келажакка олиб ўтадиган стратегик гуманитар кўприкдир.

— Ҳурматли Президент жаноблари, Озарбайжон ва Ўзбекистон халқаро майдонларда самарали ҳамкорлик қилмоқда. Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ушбу ҳамкорликни қандай баҳолайсиз ва Озарбайжоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

— Мамлакатларимизнинг муҳим масалаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклларда ҳал этиш борасидаги биргаликдаги фаолияти юксак эътирофга лойиқ. Икки қардош мамлакат — Озарбайжон ва Ўзбекистон барча масалаларда доимо бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани фахр туйғусини уйғотади.

Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Ўтган йили Габалада ТДТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 12-саммити бўлиб ўтди. Унда ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг асосий масалалари муҳокама қилиниб, ТДТни мустаҳкамлаш, туркий дунёда янада жипс бирликни таъминлаш, унинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудратини ошириш, шунингдек, глобал майдонда таъсир ва куч марказига айлантиришга қаратилган декларациялар имзоланди.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ТДТни нафақат давлатлараро ҳамкорлик платформаси, балки муштарак тарихимиз, маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизни келажакка олиб борувчи муҳим тузилма сифатида қабул қилади.

Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг ТДТ доирасида сиёсий мулоқот, иқтисодий алоқалар, транспорт-логистика имкониятлари, таълим, илм-фан ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси туркий давлатлар ўртасидаги интеграцияни янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлигимиз катта истиқболларга эга. Озарбайжоннинг Жанубий Кавказда, Ўзбекистоннинг эса Марказий Осиёда жойлашгани мамлакатларимизни Шарқ ва Ғарбни боғловчи муҳим стратегик йўналишлардаги табиий шерикларга айлантиради. Шу нуқтаи назардан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл лойиҳасининг “Ўрта йўлак” (Middle Corridor) ва “TRIPP” билан интеграциялашуви бутун минтақа учун янги иқтисодий ҳамда транзит имкониятларини яратади.

Озарбайжон ва Ўзбекистон томонидан муштарак туркий меросни асраш ва тарғиб этиш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар буюк маънавий бойликни келажак авлодларга етказишда беқиёс аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз бошқа туркий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка ҳам катта аҳамият беради. Ўзбекистоннинг 2025 йил май ойида Туркий маданият ва мерос жамғармасига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилиши муҳим ва қувонарли воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, қадимий давлатчилик анъаналари ва ўзига хос маданий қадриятларини инобатга олганда, унинг мазкур жамғармага аъзо бўлиши туркий дунёнинг муштарак меросини асраш ва тарғиб этиш соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Шундай қилиб, мамлакатларимизнинг ТДТ ва бошқа туркий ташкилотлар доирасидаги фаол ҳамкорлиги туркий дунё интеграциясини янада кучайтириш ва халқаро майдонда унинг ягона позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилишда давом этади.

Озарбайжоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларига келсак, сўнгги йилларда бу алоқалар иттифоқчилик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида жадал ривожланганини таъкидлаш лозим. Тарихий-маданий яқинлик ва муштарак маънавий қадриятлар каби муҳим омиллар Озарбайжон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мавжуд алоқаларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этади.

Озарбайжон Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий мулоқотни кенгайтириш, иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация имкониятларини ошириш, шунингдек, энергетика ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақавий ҳамкорликни илгари суриш, ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва қўшма ташаббусларни муҳокама қилишда муҳим аҳамиятга эга нуфузли платформалардан биридир.

Ўтган йил ноябрь ойида айнан Тошкентда, Ўзбекистон раислигида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 7-Маслаҳат учрашувида Озарбайжон Республикасининг мазкур форматда тўла ҳуқуқли иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу жараёнда кўрсатилган қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари раҳбарларига яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман.

Озарбайжоннинг ушбу жараёнга фаол қўшилиши натижасида аввал «С5» деб аталган ҳамкорлик формати амалда «С6» форматига айланди, минтақавий мулоқот ва стратегик шериклик эса янги мазмун ҳамда кўлам касб этди.

Озарбайжоннинг мазкур форматда тўла ҳуқуқли иштироки мамлакатимиз Марказий Осиё билан муносабатларга бераётган стратегик аҳамиятни намоён этади. Маслаҳат учрашувлари доирасидаги муҳокамалар минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш ва минтақавий ривожланиш учун муҳим ташаббусларни амалга ошириш имконини беради.

Озарбайжоннинг ушбу форматдаги иштироки мамлакатимизнинг минтақалараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини ҳам кўрсатади. Мазкур платформа доирасида яратилган мулоқот ва ҳамкорлик механизмлари нафақат давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, балки бутун Евроосиё маконида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида шаклланаётган кўп қиррали ҳамкорлик ўзаро ҳурмат, ишонч ва муштарак манфаатларга асосланган стратегик шериклик намунасидир.

Озарбайжон ва Ўзбекистон аъзо ёки иштирокчи бўлган деярли барча халқаро ташкилот ва кўп томонлама платформалар, хусусан, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Қўшилмаслик ҳаракати доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

— Ҳурматли Президент жаноблари, қизиқарли ва мазмунли интервью учун Сизга миннатдорлик билдирамиз. Ўзбекистонга давлат ташрифингиз арафасида қардош халққа қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?

— Ушбу ажойиб имкониятдан фойдаланиб, қардош Ўзбекистон халқини мамлакатингиз давлат мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 35 йиллиги билан самимий табриклайман ҳамда чуқур ҳурматимни изҳор этиб, тинчлик, фаровонлик, равнақ ва янги ютуқлар тилайман.

ЎзА.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ ВА АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

1

Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар билан яқин ҳамкорлик ҳудудлардаги реал эҳтиёж ва муаммолардан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш таклифларини тайёрлашда муҳим йўналишлардан бири экани қайд этилди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги халқаро ташаббуслари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш механизмларини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни алоҳида эътироф этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини янада мустаҳкамлади. Сенат ва Омбудсманга қонунчилик таклифларини киритиш ҳуқуқи берилди. Жумладан, Омбудсманга Конституциявий судга мурожаат йўллаш, инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини текшириш, огоҳлантириш ва тақдимномалар киритиш, зарур ҳолларда шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш каби муҳим ваколатлар берилди.

Мулоқотда инсон ҳуқуқлари умуминсоний қадрият ва барча учун умумий масъулият экани таъкидланди. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда долзарб масалаларга биргаликда ечим топиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши уқтирилди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ДОИР ИСЛОҲОТЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

1

Мулоқот аввалида Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов меҳмонларга Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда Қонунчилик палатасининг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Меҳмонлар сўнгги йилларда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда турли соҳаларда ҳаётга татбиқ қилинаётган тарихий ислоҳотларни юқори баҳолади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон тез ва жадал суръатларда ривожланаётгани, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишди. Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференция ўзаро тажриба алмашиш, омбудсманлар ўртасида алоқаларни кучайтиришда ўзига хос майдон бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

“Бугун Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу, энг аввало, Президентларимиз ўртасидаги самимий ва ишончли мулоқотнинг амалий натижасидир. Давлатларимиз раҳбарларининг бир-бирини қўллаб-қувватлаши икки мамлакат, хусусан, парламентлар ўртасидаги муносабатларга мустаҳкам асос бўлмоқда, — деди Озарбайжон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари Сабина Алиева. — Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини тиклаш масаласида Ўзбекистоннинг тутган позицияси ва кўрсатган амалий кўмаги юксакдир. Озод этилган ҳудудларда фуқароларнинг ҳуқуқларини, жумладан, таълим олиш ҳуқуқини тиклаш муҳим вазифалардан бири эди. Айнан шундай шароитда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мазкур ҳудудда замонавий мактабнинг бунёд қилиниши биз учун жуда катта қувончли воқеа бўлди”.

Қирғиз Республикаси Ақийқатчиси (омбудсман) Жамилия Жаманбаева давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси билан икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилганини эътироф этиб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак баҳолади.

“Ўзбекистонда Омбудсман институтини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, Омбудсманга қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида қуйи палатага киритиш ваколати берилиши, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштиришда Омбудсман ва парламент ўртасидаги самарали ҳамкорлик юксак эътирофга лойиқ. Биз учун Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш жуда муҳим”, деди Ж. Жаманбаева.

Мулоқот давомида иштирокчилар Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этди. Бу жараёнда Омбудсманнинг ўрни ҳамда аҳамияти тобора ортиб бораётгани уқтирилди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Йиғилиш

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНИБ, НАВБАТДАГИ ДАВЛАТ ГРАНТИ ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Жорий йилнинг июнь ойида давлат ташкилотларининг аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, коррупцияга қарши курашиш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат ижтимоий буюртмаси учун танлов эълон қилинган эди.

Кеча Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилишида давлат ижтимоий буюртмаси танлови ғолибларини тасдиқлаш, навбатдаги давлат гранти танловини эълон қилиш, фуқаролик жамияти институтларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси муҳокамадан ўтказилди.

Маълумотларга кўра, мазкур танлов доирасида фуқаролик жамияти институтларидан 217 та ариза тушган.

Лойиҳаларни баҳолаш жараёнида уларнинг ижтимоий аҳамияти, амалий натижадорлиги, аҳоли эҳтиёжларига йўналтирилганлиги ва барқарор натижаларга эришиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилиб, муҳокама якунида 29 та лойиҳа танлов ғолиби деб топилди.

Шунингдек, йиғилишда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга қаратилган навбатдаги давлат гранти танловини эълон қилиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Янги танлов маиший коррупциянинг олдини олишда Навоий тажрибасини оммалаштириш, одам савдоси жабрдийдаларининг психологик реабилитацияси ва касбга йўналтириш, гиёҳвандлик профилактикасини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантириш, муаммоли оилалар билан манзилли ишлаш, экологик маданиятни юксалтириш, муносиб меҳнат тамойилларига риоя этилишини мониторинг қилиш масалаларини қамраб олган. Шунингдек, танлов доирасида ногиронлиги бўлган болалар учун нейрореабилитация хизматларини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда ҳудудлардаги қатор маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш каби устувор йўналишларда лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳам назарда тутилмоқда.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун 12,1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, йиғилишда қатор фуқаролик жамияти институтларининг молиявий кўмак кўрсатиш билан боғлиқ мурожаатлари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Йил бошидан буён юртимизга 8 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди, уларнинг Ўзбекистонда бўлиш муддати 8 кунгача узайди.

Сенат қўмитасида

Кун тартибида долзарб масалалар муҳокамаси

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ойлиги” доирасида “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг роли: янги вазифалар ва имкониятлар” мавзуида БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонун ижросини ўрганиш якунларига бағишланган кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан жорий йил 24 июль куни қабул қилинган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюциянинг мазмун-моҳияти муҳокама этилди.

Резолюция ижтимоий адолатни таъминлаш, ривожланишни жадаллаштириш ва 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат ваколатларини кучайтиришга қаратилган.

Муҳокама давомида резолюция мақсадлари Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим ва тиббиётни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар билан уйғунлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон парламентининг БРМни миллий қонунчилик ва давлат дастурларига интеграциялаш, улар ижросини парламент назоратига олиш ҳамда аҳоли муаммоларини парламент механизмлари орқали ҳал қилишдаги ўрни қайд этилди. Маҳаллий Кенгашларнинг БРМни ҳудудларда амалга оширишдаги иштироки, хотин-қизлар ва ёшларнинг парламент фаолиятидаги ролига ҳам эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, 61 та давлат ҳаммуаллифлигида қабул қилинган мазкур резолюция халқаро ҳамжамиятнинг кенг қўллаб-қувватловига эга. Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган ҳужжат парламентларни ижтимоий ривожланиш ва БРМга эришиш жараёнларида фаол қатнашишга йўналтирувчи муҳим халқаро асосдир.

Мажлисда ўрганиш натижалари халқаро шартномалар ижросини тизимли мониторинг қилиш ва таҳлил этиш жараёнида баъзи камчиликлар мавжудлигини кўрсатгани айтилди.

Хусусан, айрим вазирлик ва идоралар томонидан таҳлилий маълумотлар ўрнига, асосан, шартномалар рўйхати тақдим этиб борилмоқда. Бу эса белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини мониторинг қилиш, эришилган натижалар ва мавжуд муаммоларни тўлиқ баҳолаш имкониятини чекламоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар халқаро шартномаларнинг ягона электрон маълумотлар базасини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларда уларнинг ижроси бўйича мунтазам мониторинг ҳамда таҳлилий ҳисоботлар тайёрлаш амалиётини йўлга қўйиш таклифини билдирди.


Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Халқчил қонун

РЎЙХАТДАН ЎТИШДА ОРТИҚЧА ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиққан қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама этилмоқда. Иккинчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаси фуқароларни яшаш ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказишда амалиётда учраётган айрим ортиқча тўсиқларни бартараф этиш, бу борадаги ҳуқуқий механизмларни янада аниқ ва соддалаштиришга қаратилган.

Хўш, янги тартиб одамларга қандай енгиллик беради ва амалда нималар ўзгаради? Шу саволлар билан қонун ташаббускорлари — Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг айрим аъзоларига юзландик.



Шуҳрат ЁҚУБОВ, фракция аъзоси:

— Биз, депутатлар сайлов округларида бўлиб аҳоли билан мулоқот ўрнатиш жараёнида амалдаги қонунларимиз ижросини ўрганамиз, ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган ёндашувларни кузатамиз. Шунингдек, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни, ижтимоий тармоқлар орқали билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни ўрганиб, доимий таҳлил қилиб борамиз.

Ўрганиш ва таҳлилларимиз натижасида фуқароларни турган ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш борасида қонунчилик даражасида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни аниқладик. Аввало, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини қўллаш билан боғлиқ чекловлар аҳоли учун асоссиз қийинчиликларни келтириб чиқараётгани маълум бўлди. Бундан ташқари, ипотека кредити ёки бошқа асосларда гаровга олинган, тақиқ ёки хатлаб қўйилган тураржойларда мулкдорлар ва уларнинг оила аъзоларини рўйхатдан ўтказиш юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув мавжуд эмаслиги фуқароларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлаётгани аёнлашди.

Фуқароларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ягоналигини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасини ишлаб чиқдик.

Бугун мамлакатимизда ипотека кредитлари асосида уй-жой харид қилаётган фуқаролар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Табиийки, кредит мажбурияти бажарилгунига қадар банкнинг гаров ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бундай уйга тақиқ қўйилади. Лекин амалиётда ана шу тақиқ баъзан фуқаронинг ўзи яшаб турган уйда рўйхатдан ўтишига ҳам тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Масалан, оила ипотека орқали квартира сотиб олган, ҳар ой кредитини тўлаб, шу ерда яшаяпти. Аммо оила аъзоларидан бирини ушбу манзилга рўйхатдан ўтказишда “*уй гаровда, унга тақиқ қўйилган*” деган важ билан муаммо юзага келиши мумкин. Аслида, уй-жойга қўйилган тақиқ, аввало, уни сотиш, бошқа шахсга ўтказиш каби мулкий муносабатларга дахлдор. У фуқаронинг шу уйда яшаш ва рўйхатдан ўтиш ҳуқуқини ўз-ўзидан чекламаслиги керак.

Шу боис қонун лойиҳасида тақиқ ёки хатлаб қўйилган тураржойга гаровга олувчи, шунингдек, тақиқ ва хатлаб қўйишга ёки уларни олиб ташлашга ваколатли органнинг розилигисиз ҳам яшаш ёки турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш имкониятини яратиш назарда тутиляпти. Айни пайтда рўйхатдан ўтаётган шахс зарурат туғилганда унинг рўйхатини бекор қилишга олдиндан розилик бериши қонун даражасида белгиланмоқда. Бу орқали икки томон манфаатлари ўртасида мувозанат таъминланмоқда. Бир томонда — фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи, иккинчи томонда, мулкдор ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатлари бирдек ҳимоя қилинишига олиб келади.

Эътиборлиси, депутатларимизнинг таклиф-тавсиялари билан иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун лойиҳасининг концепцияси сақланган ҳолда, айрим нормалар янада аниқлаштирилди ва такомиллаштирилди. Хусусан, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасини қўлламаслик бўйича имтиёздан фойдаланувчи таълим олувчилар доираси кенгайтирилиб, энди-ликда у олий таълим ташкилотлари талабалари билан бирга ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларини ҳам қамраб олади. Шунингдек, мазкур енгиллик фақат талабалар тураржойларига эмас, ижара хонадонларига ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Яна бир муҳим жиҳат — янги тартиб ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳудудлар кесимида учраётган турлича ёндашувларга ҳам барҳам беради. Бир хил вазиятда бир ҳудудда фуқаро рўйхатдан ўтказилиб, бошқасида рад жавоби берилиши тўғри эмас. Қонунда аниқ тартибнинг белгиланиши барча учун ягона ёндашувни таъминлайди.



Ойдин АБДУЛЛАЕВА, фракция аъзоси:

— Амалда уй-жой билан таъминланганликнинг ижтимоий нормаси ҳар бир киши ҳисобига камида 16 квадрат метр этиб белгиланган. Бироқ ушбу талабнинг турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишда ҳам қўлланилиши айрим ҳолларда фуқароларга ортиқча қийинчилик туғдирмоқда.

Фуқаро бошқа шаҳар ёки ҳудудга ишлаш, ўқиш, хизмат вазифасини бажариш ёхуд бошқа сабаб билан келиб, муайян манзилда вақтинча яшаши мумкин. Турган жойи бўйича рўйхатдан ўтиш эса унинг айнан шу манзилда вақтинча яшаётганини расмий қайд этишга хизмат қилади. Шундай экан, уй-жой майдонига қўйилган талабнинг мазкур жараёнга тўсиқ бўлиши амалиётда ортиқча чекловларни келтириб чиқаради.

Биз, депутатларнинг ҳудудлардаги ўрганишларимиз, фуқаролар билан мулоқотларимиз давомида рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ бу каби масалалар кўп кўтарилди. Қонун лойиҳасини фракцияларда муҳокама қилиш жараёнида ҳам амалиётдаги ушбу муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таклиф этилаётган ўзгариш билан турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси билан боғлиқ чеклов бартараф этилади. Бу, айниқса, талабалар тураржойларида учраётган муаммоларга ҳам ечим бўлади. Айрим ётоқхоналарда ҳар бир талаба учун белгиланган ижтимоий нормага мувофиқ майдон ажратишнинг объектив имконияти мавжуд эмас. Натижада талаба ўша ётоқхонада амалда яшаб, таҳсил олаётган бўлсада, майдонга оид талаб сабаб рўйхатдан ўтишда қийинчиликка дуч келиши мумкин.

Янги тартиб кучга кирса, ана шундай ҳолатлар бартараф этилади. Инсон қаерда қонуний асосда вақтинча яшаётган бўлса, унинг шу манзилда рўйхатдан ўтишига сунъий тўсиқ бўлмаслиги керак. Чунки рўйхатдан ўтказишнинг мақсади фуқарони овора қилиш эмас, унинг муайян манзилда яшаётганини қонуний ҳисобга олишдан иборат.

Умуман, қонун лойиҳасидаги нормалар фуқаролар зиммасига янги мажбурият ёки чеклов юкламайди. Аксинча, рўйхатдан ўтишда амалиётда учраётган ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, фуқаролар учун янада аниқ ва қулай тартибни шакллантиришга хизмат қилади.

Натижада фуқароларнинг вақти ва харажати тежалади, ортиқча маъмурий баҳслар камаяди. Энг муҳими, рўйхатдан ўтказиш тизимининг инсонга қулай ва тушунарли давлат хизмати сифатида ишлаши учун яна бир ҳуқуқий асос яратилади.

Сенаторлар — ҳудудларда

Маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш ишлари эътиборда

Давлат ва жамият ҳаётига доир масалаларни кўриб чиқиб ҳал қилишда парламентнинг иштироки алоҳида ўринга эга ва парламент назорати механизмлари қанчалик такомиллашган бўлса, ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳам шунчалик самарали ташкил этилади. Шу маънода, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалаларга эътибор қаратиб, жойларда мунтазам ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Сурхондарё вилоятининг Денов туманида амалга оширилаётган ободонлаштириш, инфратузилмани яхшилаш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришга қаратилган ишлар билан танишди.

Буюк Ипак йўли маҳалласида инфратузилмани яхшилаш ва аҳоли учун муносиб шароит яратиш мақсадида 5 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. Улар ҳисобидан ички йўлларнинг 3,9 км.ни асфальтлаш, 1,5 км. пиёдалар йўлакларини барпо қилиш, 4,7 км. электр тармоқларини тортиш ва 2 та янги трансформатор кичик станциясини ўрнатиш режалаштирилган. Айни кунларда электр таъминотини яхшилаш, кўчаларни тунги ёритиш ҳамда суғориш тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттириляпти.

Жараёнда сенатор маҳалладаги истироҳат боғида амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳаси билан ҳам танишди. Умумий қиймати 13 млрд. сўм бўлган лойиҳа ишга туширилиши натижасида 40 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ва Наманган туманларида маҳаллий Кенгашлар фаолияти, аҳоли билан ишлаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларидаги ҳолатни кўздан кечирди.

Дастлаб Хўжанд маҳалласида ободонлаштириш, инфратузилма, аҳоли бандлиги ва мурожаатлар билан ишлаш ҳолати кўриб чиқилди. Хўжанд Оилавий шифокор пунктида тиббий хизмат сифати ва яратилган шароитлар, Шайхон маҳалласидаги 47-умумтаълим мактабида реконструкция ишларининг бориши ўрганилди. Шундан сўнг Узумзор кўчасида аҳоли билан бўлиб ўтган мулоқотда долзарб масалалар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди.

Ишчи гуруҳ Наманган туманининг Хўнобод маҳалласидаги 10-давлат мактабгача таълим ташкилотида амалга оширилаётган ишлар, Эшобод маҳалласидаги 1-умумтаълим мактабида давлат дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларининг боришини ўрганди. Мазкур объектларда ишларни сифатли якунлаш ҳамда Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш масалалари масъуллар билан муҳокама қилинди.

Шўрқишлоқ маҳалласида эса ички йўлларни асфальтлаш, ариқларни тартибга келтириш ишларининг ҳолатига эътибор қаратилди. Ишларни сифатли бажариш ва белгиланган муддатларда якунлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Анжирзор маҳалласида фуқаролар билан ўтказилган учрашувда маҳаллий Кенгаш сессияларида қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, аҳолининг таклиф ва мурожаатлари тингланди.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова пойтахтнинг Олмазор туманида “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида аҳоли учун қулай шароит яратиш, инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишлар билан танишди.

Ўрганиш натижаларига кўра, Қичқириқ маҳалласида “Обод маҳалла” давлат дастури доирасида электр, ичимлик суви, газ ва оқова сув тармоқларини янгилаш, ички йўллар ва пиёдалар йўлакларини таъмирлаш, кўп қаватли уйлар ва хонадонлар атрофи ҳамда фасадларини тартибга келтириш ишлари олиб борилаётгани маълум бўлди.

Маҳалладаги 432-давлат мактабгача таълим ташкилотида юзлаб болалар тарбияланмоқда. Аммо талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олиб, ташкилот ҳудудида қўшимча бинолар қуриш режалаштирилган. Бу эса яқин маҳаллаларда яшовчи болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш имкониятини кенгайтиради.

Шундан сўнг Гулсарой кўчасидаги инфратузилма ва ободонлаштириш ишлари кўздан кечирилди. Бу ерда йўл ва пиёдалар йўлакларини яхшилаш, кўчаларни ёритиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, автомобиль ва пиёдалар ҳудудлари учун ёритиш таянчлари ўрнатилмоқда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлчироқлар ва зарур йўл белгиларини ўрнатиш режалаштирилган. Кўча бўйларида эса яшил ҳудудлар ташкил этилиб, дарахт ва манзарали буталар экилмоқда.

Сенатор Ислом ота маҳалласидаги кичик бозорда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Фуқаролар билан мулоқот қилиб, уларнинг мурожаат ва таклифларини тинглади. Жумладан, айрим кўп қаватли уйларнинг лойиҳа талабларига мувофиқлиги юзасидан мурожаат тушди. Мазкур масала сенатор томонидан назоратга олинди.

Муҳокама

Мактаб кутубхоналари фаолияти таҳлили

“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ойлиги” доирасида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда “Юксалиш” ҳаракати ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари кутубхоналарининг жорий ҳолати, бадиий китоб фонди ва ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш бўйича ўтказилган жамоатчилик мониторинги натижалари муҳокамаси бўлиб ўтди.

Тадбирда қўмита раиси Одилжон Маматкаримов, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродов, мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари Фарҳод Боқиев, республика болалар кутубхонаси мутасаддилари иштирок этди.

Сенатор Одилжон Маматкаримов мактаб кутубхоналарининг таълим сифатини ошириш, ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамиятига тўхталиб, уларни замонавий талаблар асосида ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, муҳокамада “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 39-мақсади — жорий йилга мўлжалланган давлат дастури ҳамда устувор ислоҳотлар дастурларида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ўтказилган жамоатчилик мониторинги натижалари тақдим этилди.

Хусусан, мактаб кутубхоналаридаги шарт-шароитлар, бадиий адабиётлар фонди ва рақамли имкониятлар ҳолати муҳокама қилиниб, уларни янада яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

Иштирокчилар ўртасида очиқ мулоқот, савол-жавоб ва фикр алмашинуви ҳам ўтказилди. Муҳокама якунида мактаб кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари!” шиори остида касаба уюшмалари ёш раисларининг I минтақавий форуми бўлиб ўтди.

Минтақавий форум

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 90 нафар ёш раис қатнашди. Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллари форум иштирокчиларини қутлаб, соҳадаги ёш раҳбарлар зиммасидаги масъулият ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланганидек, бугунги кунда касаба уюшмалари нуфузини ошириш, аъзоларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишда замонавий ёндашув, ташаббускорлик ва фаоллик муҳим аҳамиятга эга.

Форум доирасида ёш раислар касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳамда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

“Касаба уюшмаси билимдони” интеллектуал баҳсида меҳнат қонунчилиги, касаба уюшмалари фаолияти, ҳуқуқий саводхонлик ва мантиқий фикрлашга оид саволлар асосида жамоаларнинг билим ҳамда салоҳияти синовдан ўтказилди. Ғолиб жамоа Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир қатнашчилари “Фарғона экспо” халқаро кўргазмалар мажмуаси, “Ferghana Digital Hub” маркази, “Uzsangwoo” МЧЖ қўшма корхонаси ҳамда Фарғона давлат техника университетидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишди. Юзма-юз мулоқотлар давомида вилоятда IT, сунъий интеллект соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Айни пайтда вилоятда қарийб 3,5 мингта бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Аброр Отабоев. — Улар сафида 735 минг нафардан зиёд ҳамюртларимиз аъзоликка олинган бўлиб, шундан салкам 220 минг нафарини ёшлар ташкил қилади.

Касаба уюшмалари ёш раисларининг I минтақавий форуми ўзаро тажриба ва фикр алмашиш, янги ташаббусларни илгари суриш ҳамда замонавий бошқарув усулларини ҳаётга кенг татбиқ этишда муҳим платформа вазифасини бажариши шубҳасиз.

Ботир МАДИЁРОВ
«Халқ сўзи».

ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАМКОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони, генерал-полковник Баҳодир Тошматов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раҳбарлигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлигини юксалтириш, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ҳамда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ислоҳотларнинг илк кунларидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган. Айниқса, сўнгги йилларда бу борада мутлақо янги тизим яратилди. Ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, йигит-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ёшлар парламенти ўртасидаги ҳамкорлик ёшларни қўллаб-қувватлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш ҳамда давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган муҳим амалий жараён эканлиги қайд этилди. Миллий гвардия бугунги кунда мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш каби муҳим йўналишларда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган замонавий тузилма сифатида шаклланди. Унинг ёшлар билан ишлаш борасидаги тажрибаси ва имкониятлари катта эканлиги таъкидланди.

Учрашув давомида Ёшлар парламенти аъзолари учун Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликдаги фаолиятида қонун ижодкорлиги, қонунларни таҳлил қилиш ва хорижий тажрибани ўрганиш борасида кенг имкониятлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

Тадбир доирасида Миллий гвардия ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мазкур ҳужжат доирасида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш, уларнинг жамоат ҳаётидаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ташаббусларини рўёбга чиқариш, шунингдек, турли маънавий-маърифий ва ижтимоий лойиҳаларни ҳамкорликда ташкил этиш назарда тутилган.

«Халқ сўзи».

Келгуси йилдан юртимизда тадбиркор ва давлат ўртасидаги низоларни кўришда «Тадбиркорнинг ҳақлилик презумпцияси» тамойили жорий қилинади.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 22 август

ХОРАЗМНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ





1

«Ҳаво дарвозаси» дунёни яқинлаштирмоқда

Алтибой РАЖАБОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши раиси:

— Ўтмишда Хоразм Буюк Ипак йўлида жойлашган манзиллардан бири бўлган бўлса, бугун Урганч халқаро аэропорти ҳаво йўллари чорраҳасидаги ўзига хос авиация хабига айланиш арафасида турибди. 1960 йилда ишга туширилган ушбу қўналға ўтган йиллар давомида минглаб йўловчиларга хизмат кўрсатиб келди. Аммо кейинги йилларда туризм соҳаси вилоятимиз иқтисодиётининг асосий драйверига айланиб, сайёҳлар оқимининг жадал суръатда ўсиб бораётгани воҳанинг “ҳаво дарвозаси”ни замон талабига мос модернизация қилишни тақозо этаётган эди.

Президентимизнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган бу лойиҳага Жанубий Кореянинг энг илғор компанияси жалб этилди. Реконструкция доирасида аэропортда “Boeing 747” ва “Airbus A350” каби кенг фюзеляжли ҳаво кемаларини бемалол қабул қилиш имконияти яратилмоқда. Бу эндиликда дунёнинг турли қитъаларидан Хоразмга тўғридан-тўғри, транзитсиз узоқ масофали парвозларни амалга ошириш имконини беради. Лойиҳа якунлангач, йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати соатига 300 дан 1 300 нафаргача ортади.

Яқинда Урганч халқаро аэропортининг расмий делегациялар учун мўлжалланган терминалини кўриб, ниҳоятда ҳайратландим. Аслида бирор давлатга ташриф буюрган меҳмонда шу юрт ҳақида илк таассурот дастлабки манзил — аэропортда шаклланади. Унинг бугунги қиёфаси эса Янги Ўзбекистоннинг, янгиланаётган Хоразмнинг улкан салоҳиятидан дарак бериб турибди.

«Жалолиддин самани бўлиб, сакраб ўтдинг Амударёдан...»

Рустам СУЛТОНОВ,
«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи:

— Абдулла Ориповнинг машҳур шеъридаги саман бир пайтлар Жалолиддин Мангубердини Амударёнинг нариги соҳилига олиб ўтган бўлса, қарангки, бугун саркарданинг номи билан аталган замонавий тезюрар поезд масофаларни қисқартириб, Тошкент билан Хивани янада яқинлаштирмоқда.

Илгари бу йўл 14 соат атрофида давом этган бўлса, янги қатнов билан сафар вақти 7,5 соатни ташкил қилмоқда. Назаримда, шу ерда тарих ва бугун бир-бири билан қўл бериб кўришгандек. Жалолиддиннинг самани — юрт озодлиги учун сакраган эди. Мангубердининг темир тулпори — тараққиёт учун югурмоқда. Ва бугун Хоразмга келаётган ҳар бир йўловчи поезд ойнасидан кўҳна воҳани кузатар экан, эҳтимол, бир ҳақиқатни ҳис қилади: бу заминда тарих музейларда қолиб кетмаган. Таъбир жоиз бўлса, у бугунги ҳаётга қўшилиб, яна йўлга чиққан. Шунинг учун Жалолиддин Мангуберди поездини шунчаки янги транспорт қатнови деб бўлмайди. Бу — Хоразм тарихининг келажакка дадил қадами!

Хоразмда темир йўл соҳасидаги лойиҳалар фақат тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш билан чекланиб қолмади. Қисқа муддатда Урганч халқаро аэропортидан Урганч темир йўл вокзалигача 11 км. узунликда янги электрлаштирилган темир йўл тармоғи барпо этилди. Эндиликда аэропортга қўнган сайёҳ, шу ернинг ўзидан замонавий поездга ўтириб, Хивага йўл олади. Олти вагондан иборат ушбу электропоезд бир вақтнинг ўзида 400 нафар йўловчини ташиш имкониятига эга бўлиб, соатига 160 километргача тезликда ҳаракатланади.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразмга ташрифи чоғида бир гуруҳ нуронийлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ушбу янги тезюрар поездда Урганчдан Хивага йўл олдик. Ва Президентимизнинг Хоразмдаги ўзгаришлар, бунёдкорликлар ҳақидаги фикрлари бизни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Йўллар рақамли қурилмалар билан бошқарилади

Отаназар ПИРНАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими:

— Воҳанинг иккита тарихий шаҳри — Урганч ва Хивани боғловчи карвон йўли XVII асрда бир нечта кўприк, йўлўтказгич, туннель ва бошқа иншоотлар ўрин олган. Транспортларнинг тўсиқларсиз ҳаракатланиши туфайли манзилга етиб бориш вақти уч баробар қисқаради, яъни Урганчдан Хивага аввал тирбандлик ва чорраҳаларда тўхташ туфайли 45 — 50 дақиқада етиб борилган бўлса, янги йўлда бунинг учун атиги 15 — 17 дақиқа вақт сарфланади. Транспортлар оқими сунъий интеллект асосида ишлайдиган рақамли қурилмалар орқали бошқарилади.

Айтиш жоизки, йўллар — ҳудуд иқтисодиётининг “қон томири”, туризм, логистика ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланишига туртки берадиган муҳим омил. Шу маънода, Урганч ва Хива шаҳарлари орасида қурилган янги йўл аҳоли ва сайёҳларга қулайлик яратиш билан бирга, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини оширади, минглаб янги иш ўринлари яратилишига имкон беради.

Янги авлод троллейбуслари эл хизматида

Темур САТИМОВ,
Хоразм вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи:

— Вилоятимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун транспорт хизмати кўрсатишда яратилаётган қулайликларни бундан ўн йиллар олдин ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдик. Бу йил мазкур йўналишда бир нечта лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Урганч ва Хива шаҳарлари оралиғида қатновчи 10 та янги авлод гибрид троллейбуси келтирилди.

Замонавий троллейбуслар Хитойнинг



Абулғози Баҳодирхон томонидан барпо этилган бўлиб, асрлар мобайнида муҳим савдо-сотиқ ҳамда маданий алоқаларни таъминлаган. Қишда лой, ёзда чанг бу йўлларда асрлар мобайнида не-не карвонлар ўтмаган дейсиз?! Бугунги кунда транспорт оқими жуда катта, энг тирбанд йўл ҳисобланади. Чунки туризмнинг ривожланиши туфайли, очиқ осмон остидаги музей-шаҳарга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хива шаҳри ва туманининг ишлаб чиқариш ҳамда инвестициявий салоҳиятининг ортиши Урганч ва Хива шаҳарлари оралиғида қатновчи автотранспорт воситалари сони кескин ошишига олиб келди. Натижада ушбу йўл ҳудуднинг бугунги ўсиш суръатлари талабига жавоб бера олмай қолди.

Урганч ва Хива шаҳарларини боғловчи, Ўзбекистондаги дастлабки пуллик автомобиль йўлининг қурилиши бу масалага энг самарали ечим бўлди. Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида ушбу йўл, ундаги инфратузилма объектлари билан танишди.

Умумий узунлиги 35 километр бўлган ушбу 4 тасмали йўл асфальт-бетон қоплама асосида барпо этилди. Унинг ўтказувчанлик қобилияти суткасига 30 мингдан ортиқ автотранспорт воситаларини ташкил қилади. Инфратузилмадан “Yutong” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, улар юқори қулайлик, экологик тоза ва энерготежамкорлиги билан ажралиб туради. Гибрид технология туфайли транспорт воситалари контакт тармоғи мавжуд бўлмаган ҳудудларда ҳам автоном тарзда ҳаракатлана олади.

Янги троллейбуслар Урганч халқаро аэропорти, темир йўл вокзали ҳамда Хива темир йўл вокзалини боғловчи йўналишда қатнайди. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида Урганч — Хива йўналишида троллейбуслар ҳаракат оралиғи 25 дақиқадан



12 дақиқагача қисқариши кутилмоқда.

Президентимизга янги троллейбуслар тақдимоти жараёнида биз соҳада амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида яна бир бор чуқур мушоҳада қилиш имконига эга бўлдик.

Бугун Хоразмда катта бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Янги туристик масканлар, замонавий меҳмонхоналар, йирик инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Ана шу янгиланишлар билан ҳамнафас тарзда транспорт тизими ҳам ўзгариши зарур. Янги авлод троллейбуслари — ана шу ўзгаришларнинг яна бир ёрқин намунаси.

«Хива мушоираси»ни бугундан бошлайлик

Сайёра САМАНДАРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, «Шуҳрат» медали соҳиби:

— Хивада кеча билан бугун, мозий билан замонавийлик бир-бирига уйғунлашиб кетган. Шу боис бугун қад ростлаётган ҳар бир янги бино, ҳар бир янги иншоот мен учун оддий бунёдкорлик эмас — Хоразмнинг эртанги кунига қўйилаётган тамал тоши.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хивага ташрифи чоғида янги барпо этилган конгресс-холл, “Хива Ичан қалъа” қабуллар уйи ҳамда уч юлдузли янги меҳмонхона билан танишганимизда ана шу туйғуни яна бир бор ҳис қилдим. Ушбу улуғвор мажмуаларнинг меъморий қиёфасида Янги Ўзбекистоннинг руҳи бор. Президентимиз бу иншоотлардан самарали фойдаланиш, Хивада йирик халқаро тадбирларни кўпайтириш, маданий форумларни янада кенгайтириш юзасидан топшириқлар бериб, жумладан, ижодкорларнинг “Хива мушоираси”ни ташкил қилишни таклиф этди.

Чиндан, ахир бу замин — Муҳаммад Ризо Огаҳий, Мунис, Паҳлавон Маҳмуд каби сўз даҳолари яшаган, шеър ва маърифат билан нафас олган муқаддас маскан. Бу таклифдан жуда тўлқинланиб кетиб, мушоирани бугунданоқ бошлашга изн сўрадим ва охирги ёзган шеъримни ўқидим. Мен Хивадаги янги бунёдкорликларга қараб, бир нарсага яна бир бор ишонч ҳосил қилдим: шаҳарни бинолар обод қилади, унинг руҳини эса сўз ва санъат юксалтиради.

Янги конгресс-холл — дунё билан фикр алмашадиган муаззам саҳн. “Хива Ичан қалъа” қабуллар уйи — Хоразмнинг қадимий ва замонавий қиёфасини намоён этувчи маскан. Мушоира эса — қалбларни яқинлаштирадиган мулоқот майдони.

Ёшлар учун янги имкониятлар

Анор МАҲМУДОВА,
Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Кейинги йилларда вилоятдаги олий таълим муассасаларида қабул квоталари сони ошиб, янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Учта олий ўқув юрти — Ал-Хоразмий университети, Урганч давлат тиббиёт институти, Осиё халқаро университети филиали иш бошлади. Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи доирасида олий таълим даргоҳлари сони яна ошди.

Давлатимиз раҳбари Хива шаҳрида ташкил этилган Ляонин педагогика университетининг Ўзбекистондаги филиали ва Конфуций институти фаолияти билан танишди. 560 талаба ўрнига мўлжалланган ўқув даргоҳида талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари вилоятимиздаги яна бир таълим маскани — Хоразм илғор касбий маҳорат техникуми ҳамда унинг ҳудудида ташкил этилган Касблар шаҳарчаси билан ҳам танишди. Ўзим 60 йилдирки, таълим соҳасида ишлаб, ёшларга касбий таълим беришга йўналтирилган турли ўқув тизимларида фаолият олиб бордим. Аммо бу маскандаги замонавий ўқитиш методикалари, яратилган шароитлар, ўқув-лаборатория хоналарини кўриб, очиғи, ҳайратга тушдим. Яқинда иш бошлаган таълим масканлари Янги Ўзбекистон учун юқори малакали, замонавий билимларга эга мутахассисларни тайёрлаб беради.

Ташриф чоғида Президентимиз билан учрашиб, самимий суҳбатлашдик ва мендек кекса педагогга бўлган юксак эътибордан бошим кўкка етди.

Хиванинг туризмдаги дадил қадами

Адилбек РАҲИМОВ,
Хива шаҳридаги «Эркин палас» МЧЖ таъсисчиси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида Хоразм вилоятидаги янги лойиҳаларни ишга тушириш маросими ҳамда Хивада халқаро туризм шаҳарчасини барпо этиш лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтгани биз, тадбиркорлар учун катта воқеа бўлди. Эътибор беринг, шу куни вилоятда 176 млн. долларлик 12 та йирик лойиҳа ишга туширилди. Ушбу тадбирда иштирок этар эканман, айниқса, янги халқаро туризм шаҳарчаси лойиҳаси тақдимоти менда катта таассурот қолдирди.

Бу лойиҳа Хиванинг туристик салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиши, шаҳарга келадиган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини кўпайтириши учун улкан имкониятлар яратади.

Хивада меҳмонхона соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор сифатида бу жараёнларга бевосита қизиқиш билан қарайман. Чунки туризм ривожи, аввало, биз каби хусусий сектор вакиллари учун янги имкониятлар дегани. Хивага келган сайёҳ фақат Ичан қалъани кўриб кетмаслиги керак. У бу ерда бир неча кун қолиб, Хоразм маданиятини, миллий таомларини, санъати ва ҳунармандчилигини ҳис қилиши, замонавий хизматлардан баҳраманд бўлиши керак. Ана шунда туризм шаҳар иқтисодиётининг барқарор драйверига айланади. Янги лойиҳалар, янги туризм шаҳарчаси ва замонавий инфратузилма Хиванинг туристик харитадаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Кўп йиллардан буён меҳмонхона бизнесида фаолият юритаман. Бу йил Тадбиркорлар куни муносабати билан Президентимизнинг фармойишига асосан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирландим ва камтарона меҳнатимга берилган бу юксак эътибордан ғоят миннатдорман.

Хоразм номи дунё илм-фанига “алгоритм” тушунчаси билан кирган. Ал-Хоразмий бобомиз рақамларга тартиб бериб, инсоният тафаккури ривожи учун янги йўл очган эди. Бугун эса буюк бобокалонимиз юрти тарихий илдизлардан куч олиб, ўз тараққиётининг янги формуласини яратмоқда. Унинг асосий элементларини Ватанга садоқат, илм ва меҳнат ташкил этади.

Президентимизнинг навбатдаги ташрифи Хоразм формуласининг янги қаторларини белгилаб берди, десак, муболаға эмас. Қайси йўналишда имконият юқори, қаерда “ўсиш нуқтаси” бор, нимани ўзгартириш керак — буларнинг барчаси янги вазифа ва мақсадларда ўз ифодасини топди.

Зотан, юртда кечаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самарасини юракдан ҳис этаётган хоразмликлар бу галги ташрифдан сўнг янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, воҳанинг янги истиқболини белгилашда давр билан ҳамнафас қадам ташламоқда.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ ёш аъзоларининг XII халқаро конференцияси бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФИСКАЛ ФАЛСАФАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида ортга назар ташлар эканмиз, истиқлол — бу энг олий неъмат, озод ва эркин ривожланишнинг бебаҳо имконияти эканлигини яна бир бор англаймиз. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўл давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш босқичи бўлди.

Айниқса, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини шакллантириш ҳамда мустақил молия-банк тизимига асос солиш борасида салмоқли тажриба тўпланди. Иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий валютамизнинг қадр-қимматини сақлаш ва ташқи хавф-хатарларга қарши барқарор иммунитет ҳосил қилиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

Албатта, буларнинг барчаси эътиборга молик, бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, ортда қолган давр, хусусан, кейинги ўн йилликка кача бўлган босқичда мамлакатимиз мисли кўрилмаган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар, ички зиддиятлар ва тўсиқлар гирдобида қолган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган ислоҳотларнинг суръати секинлашиб боргани сари ривожланишимизга ғов бўлаётган сурункали ва тизимли “тушовлар” иқтисодиётни боши берк кўчага киритиб қўйган эди.

Иқтисодиётнинг сурункали «тушовлари»

Бундан роппа-роса ўн йил олдинги Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий манзарасини холисона кўз олдимизга келтирсак, ўша даврда мамлакатнинг табиий, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солишга тўсқинлик қилган, жамиятни таназзул ёқасига олиб келган бир неча йирик, тизимли занжирлар юзага келган эди. Шулардан бири — бюджет-солиқ тизимида илдиз отган муаммолар.

Бюджет тизимида шаффофликнинг етарли эмаслиги “кўланка”-даги харажатларнинг ортиб боришига имкон яратиб берганди. Давлат харажатларининг сезиларли қисми расмий бюджетдан ташқарида, 40 дан ортиқ мақсадли жамғармалар ва 20 — 30 минглаб бюджетдан ташқари ҳисобварақлар орқали амалга оширилгани исбот талаб қилмайди. Бюджетдан ташқари маблағлар оқимининг бундай “лойқаланиши” давлат пулларининг қаерга ва қандай сарфланаётганини назорат қилиш имконини йўққа чиқарганди. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) таҳлилларига кўра, биргина 2016 йилда бюджет ҳисоботларида умуман акс этмаган “кўланка”даги давлат харажатлари ЯИМнинг тахминан 3 фоизини ташкил этгани замирида қанчадан-қанча молиявий чалкашликлар яширинганини англаш қийин эмас.

Давлат молиясида бюджет камомадини сунъий равишда паст кўрсатиш, ҳатто айрим йиллари бюджет даромадлари харажатдан ортганлиги реал иқтисодий ўсиш эмас, балки йил охирига бориб режалаштирилган зарур харажатларни кескин қисқартириш ёки тўхтатиб қўйиш эвазига эришиларди. Натижада келажак пойдевори бўлган ижтимоий соҳа ва илм-фанни ривожлантириш “қаттиқ парҳез”-да ушлаб турилди, уларга бюджетдан ажратмалар миқдори йил сайин ортиб бориши ўрнига чекланди.

Солиқ юкининг юқорилиги тадбиркорни “ўт орасида” қолишга мажбур қилган бир пайтда манзиллиги аниқ бўлмаган ва самарадорлиги ўрганилмаган кенг миқёсли солиқ имтиёзлари бюджет барқарорлигига жиддий путур етказар эди. Шу билан бирга, солиқ қоидалари ва ставкаларининг тез-тез ўзгариши хусусий сектор учун узоқ муддатли бизнес режа тузишни имконсиз қилди. Юқори солиқ ставкалари билан бир қаторда норасмий ундириладиган мажбурий тўлов ва “йиғимлар” тадбиркорлар зиммасига оғир “расмий ва норасмий” юк бўлиб тушди. Оқибатда кўплаб бизнес субъектлари фаолиятини тўхтатишга ёки яширин иқтисодиёт — “соя”га ўтишга мажбур бўлди.



Миллий валютамизнинг расмий курси ва “қора бозор” курси ўртасидаги бир неча баробарлик фарқ тадбиркорларни хонавайрон қилар, уларнинг маблағларини хорижий валютага ноқонуний ўтказишга ва ишлаб чиқаришни фалажлашга олиб келарди. Банкоматлар ишламас, нақд пул тақчиллиги сабабли оддий халқ ўз маоши ва пенсиясини ойлаб ололмай сарсон эди. Давлат статистикасида ЯИМнинг 8 фоизлик ўсиши ёки аҳоли жон бошига даромадлар ортгани ҳақида кўз-кўз қилинса-да, амалда конвертациянинг йўқлиги, инфляция ва пулнинг қадрсизланиши туфайли аҳолининг реал турмуш даражаси оғирлигича қолаверди.

Қисқача айтганда, 2016 йилга келиб, мамлакат тизимли ва чуқур инқироз ёқасига келиб қолган, тизим Эрнест Хемингуэй айтганидек, “аввал аста-секин, кейин эса тўсатдан” содир бўладиган банкротлик ва таназзул сценарийси томон жадал илдамлаётган эди.

Прагматик сиёсат: тизимли муаммоларнинг амалий ечимлари

Мамлакат умидсизлик ёқасига келиб қолган ўша тарихий паллада Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мутлақо янги — прагматик ва халқчил ислоҳотлар бошланди. Қуруқ шиорлар ёки қоғоздаги “чиройли” рақамлар ортидан қувиш эмас, балки муаммонинг кўзига тик қараб, ҳаётий, мантиқли ва адолатли ечимларни топиш зарурати давлат бошқарувининг энг асосий тамойилига айлантирилди.

Мамлакатимиз раҳбари иш бошлаган илк кунларданоқ “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган мутлақо янги давлатчилик фалсафасини илгари сурди. Виртуал қабулхоналар ва Давлат хизматлари марказлари очилди, амалдорлар “кабинет тўридан” чиқиб, бевосита маҳаллага, оддий одамларнинг хонадонига киришга даъват этилди. Аммо жамиятдаги кайфиятни ўзгартириш учун, аввало, иқтисодиётнинг “қон томирлари”ни фалажлаб турган сурункали “тушовлар”ни кесиб ташлаш, янги ва шаффоф фискал-молиявий сиёсатни шакллантириш талаб қилинарди.

2017 йилдан эътиборан давлат раҳбарининг кучли сиёсий иродаси билан иқтисодиёт ва фискал соҳадаги муаммоларни ечиш, молиявий оқимларни “тромб”лардан тозалаш бўйича мисли кўрилмаган ислоҳотлар бошланди. Ўн йиллаб давом этган валютанинг “икки хил курси”ни бир кечада бекор қилиш ва эркин конвертацияни жорий этиш улкан сиёсий жасорат эди. Нақд пул тақчиллиги тугатилди, банкоматлар тизими қайта тикланди, аҳоли ва тадбиркорлар ўз маблағларини эркин тасарруф қилиш имконига эга бўлди.

2019 йилда имзоланган янги Солиқ кодекси билан солиқлар сони 13 тадан 9 тагача камайтирилди, бизнес учун энг оғир юк бўлган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкаси дастлаб 20 фоиздан 15 фоизга, сўнгра 12 фоизгача туширилди. Солиқ маъмуриятчилигида “Риск-таҳлил” ва “Инсон омилисиз” тизимлар жорий этилиб, ноқонуний текширишларга мораторий ўрнатилди. Оқибатда биргина солиқ ставкаларининг пасайтирилиши эвазига тадбиркорлар ихтиёрида йилига ўртача 10 — 12 триллион сўм маблағ қоладиган бўлди, ҚҚС тўловчилар сони эса кескин ортди.

2017 йилдан бошлаб бюджет жараёнларида ошкораликни кучайтиришга устуворлик берилди. Бюджетдан ташқари тарқоқ маблағлар ва жамғармалар консолидация қилиниб, ягона Давлат бюджети таркибига киритилди, “Очиқ бюджет” ва “Фуқаролар учун бюджет” порталлари ишга туширилди. Энг муҳими, Давлат бюджети ва фискал сиёсат параметрларини қонун билан тасдиқлаш Олий Мажлис Қонунчилик палатасига берилди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Давлат бюджети ижросини ҳар чоракда атрофлича муҳокама қилиш эса Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколати сифатида белгиланди. Депутатлар ва парламент назорати шунчаки “қонун ижодкори” эмас, балки халқ хазинасининг ҳақиқий посбонига айланди.

Илгари туман ва шаҳарлар молиявий жиҳатдан марказга қарам бўлган бўлса, эндиликда туманлар даромадлар режасини ошириб бажарган қисмини ўз маҳаллий муаммоларини ечиш учун қолдириш тизимига ўтилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, раҳбарлар “тайёр бюджетни тақсимлаш руҳиятидан воз кечиб, янги манбалар ва қўшимча даромад топиш” бўйича бош қотирадиган бўлди.

Шу ўринда бир ҳақиқатни эътироф этиш адолатдандир. Дунё тарихида иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликка эришиш учун аҳолини оғир “шок терапияси”га дучор қилган, ижтимоий соҳани иккинчи ўринга сурган реформаторлар кўп. Президентимиз моделининг бетакрор ва устун жиҳати шундаки, ҳар қанча оғир бўлмасин, кучли ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш ва инсон қадрини улуғлаш ислоҳотларнинг марказида амалга оширилди.

Янги фискал сиёсат устуни

2020 йилга қадар Давлат бюджети соҳалар кесимида қарорлар билан тасдиқланиб келинган бўлса, унинг назорати ва ижроси, асосан, пулни мақсадли ўзлаштириш даражаси билангина чекланар эди. Натижада бюджет маблағларининг реал самарадорлигини баҳолаш имкони йўқ эди: вазирликлар ажратилган миллиардларни “тугатгани” ҳақида ҳисобот берар, лекин бу сармоя халқ турмуш даражасини қанчалик яхшилагани номаълум қоларди. Бюджет харажатлари самарадорлиги ва натижадорлиги устидан парламент ва жамоатчилик назорати заиф эди: депутатлар фақат умумий рақамларни кўрар, ҳар бир соҳанинг ичига кириб, ижтимоий вазифаларнинг бажарилишини талаб қилолмасди. Бюджетдан ташқари юзлаб манбалар ва молиявий оқимлар устидан давлат молиявий назорат тизимининг заифлиги ва бу борада шаффофликнинг йўқлиги “Натижа нима бўлди?” деган саволга жавоб топиш имконини бермасди.

Давлат молиясини бошқариш ва фискал сиёсатни тубдан ислоҳ қилиш борасида қўйилган энг катта қадамлардан бири — бу бюджет маблағларини шунчаки ажратиш ва анъанавий тарзда сарфлаш тизимидан “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” ёки бошқача айтганда “Дастурий бюджетлаштириш” амалиётига ўтиш бўлди.

Хўш, бу янги тизимнинг моҳияти нимада ва нега мамлакатимиз учун унга ўтиш сув ва ҳаводай зарур эди? Айтиш мумкинки, анъанавий бюджетлаштириш — бу вазирлик ёки идорага: “Мана сизга 10 миллиард сўм, буни харажат моддалари бўйича сарфлаб, ҳисобот беринг”, дейиш эди. Бунда асосий эътибор маблағнинг қандай сарфланганига қаратилар, аммо бу пуллар эвазига жамиятда нима ўзгарди, деган савол очиқ қоларди. Дастурий бюджетлаштириш (НЙБ) эса мутлақо янги тамойилга таянади: “Мана сизга аниқ ижтимоий-иқтисодий мақсад (масалан, 50 та мактаб қуриш, 10 минг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш) ва бунинг учун зарур бюджет дастури. Ҳар бир ажратилган сўм аниқ натижа ва мақсадли индикатор билан ўлчанади”.

Бу — бюджет пулларини шунчаки жараёнга эмас, балки аниқ ва ўлчанадиган пировард натижага йўналтириш демакдир. Франция ва Германия каби ривожланган Ғарб давлатлари, шунингдек, Жанубий Корея каби мамлакатлар айнан шу тизим орқали ўз молиявий муваффақиятига эришганлигини эътироф этиш жоиз.

Таъкидлаш ўринлики, НЙБга ўтиш бир кечада эмас, балки пухта ўйланган стратегик босқичларда амалга оширилмоқда. Биринчи тарихий қадам сифатида Давлат бюджети илк бор Олий Мажлис томонидан қонун шаклида тасдиқланди ҳамда вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурлари алоҳида шакллантирилиб, улар бўйича мақсадли индикаторлар белгиланди. Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликларнинг Олий Мажлис палаталари олдида айнан шу индикаторлар бўйича ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Анъанавий ёндашувдан Дастурий бюджетлаштиришга ўтиш орқали мамлакат фискал сиёсатида бир қанча фундаментал натижалар кўзга ташланмоқда. Ҳар бир вазирлик ажратилган ҳар бир сўм учун парламент ва халқ олдида очиқ ҳисобот беришидан ташқари, ички аудит хулосалари ва чоракдик кўрсаткичлар расмий сайтларга жойлаштириб бориляпти. Вазирлик ва идораларга ўз дастурлари доирасида молиявий эркинлик берилмоқда, аммо шу билан бирга, пировард натижага эришиш бўйича шахсий масъулият ва жавобгарлик орттирилмоқда.

Халқ ва давлат ўртасидаги ишонч кўприги

Давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни адолат, очиқлик ва юксак самарадорлик асосига қуриш ҳар бир демократик жамиятнинг энг олий мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда, мамлакатимиз фискал сиёсатида шаффофликни таъминлаш ва бюджет маблағларининг “эгаси — халқ” эканлигини амалда исботлаган энг ноёб механизм — бу “Ташаббусли бюджет” тизими бўлди, десак, муболаға эмас.

Хўш, бу феномен ўзи нима ва бугунги кунга келиб, у жамият ҳаётида қандай сифат ўзгаришларини юзага чиқармоқда?

Қайд этиш керак, илгари туман ва шаҳар бюджетларининг қаерга ва қандай сарфланиши тўлиқ маҳаллий ҳокимликлар ва молия органларининг ихтиёрида эди. Натижада аҳолини йиллар давомида қийнаб келган ички йўллар, ичимлик суви, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш каби реал оғриқли муаммолар четда қолиб, бирон-бир мансабдорнинг хоҳиш-иродаси билан бошқа лойиҳаларга устунлик берилиш ҳолатлари сурункали тус олган эди, десак, айни ҳақиқат.

Эндиликда “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари орқали давлат хазинасининг муайян қисмини бевосита фуқароларнинг ташаббуси, овоз бериши ва назорати остида қайта тақсимлаш тизими йўлга қўйилди. Бунда фуқаро шунчаки “солиқ тўловчи” эмас, балки ўз маҳалласи ва тумани истиқболини белгиловчи, лўнда қилиб айтганда, бевосита қарор қабул қилувчи кучга айланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалиётга киритилган ушбу тизим қисқа фурсатда миллионлаб юртдошларимизни умумий мақсад атрофида бирлаштирган ҳақиқий оммавий ҳаракат тусини олди. Минглаб маҳаллаларда ички йўллар асфальтланди, тиббиёт масканлари ва мактаблар замонавий қиёфага келтирилди, тоза ичимлик суви тармоқлари тортилди. Энг муҳими, ушбу жараёнда халқ вакиллари — Қонунчилик палатаси депутатлари ва жамоатчилик иштироки мунтазам кенгайтириб борилмоқда. Янги жорий қилинган “Депутат ташаббуси” лойиҳаси доирасида овоз йиғиш жараёнида ғолиб бўлолмаган, лекин жамият учун жуда муҳим бўлган 149 та лойиҳа халқ вакиллари томонидан қўшимча равишда ғолиб, деб эълон қилинди ва уларга 239 млрд. сўм (ҳар бирига ўртача 1,6 млрд. сўм) маблағ йўналтирилди. Аҳамиятлиси, ушбу танловлар эвазига 39 та маҳалла илк бор ғолибликни қўлга киритган бўлса, уларнинг 29 таси “оғир тоифа”даги маҳаллалардир.

“Ташаббусли бюджет”ни янада такомиллаштириш ва халқ вакилларининг имкониятларини ошириш мақсадида Президентимиз томонидан 2026 йил 29 июнда тегишли қарор қабул қилинди. Фискал децентрализация ва халқ назоратини янги босқичга олиб чиққан ушбу қарор билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколатлари янада кенгайтирилди. 2026 йил 1 августдан бошлаб, ҳар бир депутат “Очиқ бюджет” порталида ажратилган маблағлар (1,6 млрд. сўм) доирасида ўз округидаги бир ёки бир нечта муҳим лойиҳаларни қўшимча равишда ғолиб, деб эълон қилиш ваколатига эга бўлди. Шунингдек, ваколати муддатидан илгари тугатилган депутатлар округида парламент назорати узилиб қолмаслигининг аниқ ҳуқуқий механизми яратилди.

Хулоса ўрнида

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида ишонч билан айтиш мумкинки, ҳаётимизда рўёбга чиқарилаётган “Янги Ўзбекистоннинг фискал фалсафаси” — шунчаки бюджет рақамларини тақсимлаш ёки солиқ йиғиш механизми эмас, бу — давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни адолат, шаффофлик ва юксак самарадорлик асосида ўрнатаётган мутлақо янги ижтимоий ва иқтисодий тизимдир.

Ушбу янги фалсафа замирида бир-бирини тўлдирувчи муҳим жиҳатлар кўзга яққол ташланади. Яъни ислоҳотлар аҳолини оғир синовларга дучор қилмасдан, инсон қадрини устувор мақсад сифатида қўйган ҳолда амалга оширилди. Парламент ва жамоатчилик назорати тизими янги босқичга олиб чиқилганлиги бюджет маблағларини шунчаки сарфлаш ва ўзлаштириш амалиётидан воз кечиб, ҳар бир ажратилган сўмни аниқ ва ўлчанадиган пировард натижага, халқ ва жамият фаровонлигига йўналтиришга хизмат қилмоқда. Аҳоли ўзи яшаб турган маҳалланинг, шаҳарнинг ва туманнинг истиқболини белгиловчи лойиҳаларни ўзи танлаб, бу борада қарор чиқарувчи кучга айланмоқда. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлаш баробарида, халқимизнинг эртанги кунга, келажакка ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.

Чорвоқ шамоли энергия манбаига айланади



Бўстонлиқ — ўз номига мос, табиати фусункор гўша. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги йилларда туманда беқиёс ўзгаришлар юз берди.

Тадбир

Тоғлару боғлар, гўзал манзаралар сайёҳлик кўламини ва жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бунёдкорлик кўлами, албатта, келгусида янада ошади. Бу, ўз навбатида, экологияга зарар келтирмайдиган “яшил” қувватга бўлган талабни кучайтирмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбарининг тавсияларига кўра, Чорвоқда 20 МВт қувватга эга шамол электр станцияси хитойлик ҳамкорлар кўмагида бунёд этилди.

Станциянинг очилишига бағишланган тадбирда Энергетика вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мутасаддилари, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва чет эл компаниялари раҳбарлари, Тошкент вилояти ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги ҳамда жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этди.

— Мазкур лойиҳа Хитой ҳукуматининг 28 миллион АҚШ доллари миқдоридаги беғараз грант маблағи ҳисобидан амалга оширилди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари Фаррух Нуруллаев. — Мутахассисларимиз томонидан лойиҳани амалга ошириш бўйича барча ташкилий, техник ва муҳандислик ишлари белгиланган режага кўра босқичма-босқич олиб борилди. Аввало, мутахассислар шамолнинг ҳаракат йўли, турбиналар ўрнатиладиган жойнинг ҳолати, тупроқ таркибини таҳлилдан ўтказди. Қисқа айтганда, “етти ўлча, сўнг бажар” тамойилига амал қилинди. Шу тариқа қурилиш-монтаж ишлари, электр тармоқларига улаш, муҳандислик инфратузилмасини тайёрлаш ҳамда замонавий шамол турбиналарини ўрнатиш ишлари тўлиқ якунланди.

Тадбирда мутасаддилар журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди. Станция директори Алишер Алимовнинг айтишича, лойиҳага мувофиқ ҳар бири 5 МВт қувватга эга бўлган 4 та замонавий шамол турбина ўрнатилди. Энди бу турбиналар йилига 50 млн. кВт-соатгача экологик тоза “яшил” энергия ишлаб чиқаради ва бу қарийб 20 мингта хонадоннинг электр энергиясига эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади. Умуман, мазкур станциянинг ишга туширилиши натижасида йилига 15 млн. куб метр табиий газ ва 12,5 минг тонна кўмир иқтисод қилинади.

Мазкур замонавий жиҳозланган станция энг улуғ ва энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

Туркий давлатлар мероси халқаро дастур асосида ўрганилади

Венгриянинг Бугац шаҳрида Туркий дунё илмий-тадқиқот институтлари ва археология марказлари ассоциацияси (ARICA) учинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда “ARICA” рақамли портали ва электрон тадқиқотлар базаси концепцияси ишлаб чиқилди.

Бу платформа археология ташкилотлари, олимлар ва академик марказлар ўртасидаги доимий мулоқот майдонига айланади. Базада биргаликдаги экспедиция ҳамда лойиҳалар ҳақида маълумотлар тўпланади.

Шунингдек, ундан нашрлар, анжуманлар, грантлар ва таълим дастурлари жой олади. Тадқиқотчилар ҳамда тегишли муассасалар ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилади. Археологик ёдгорликларнинг электрон атласини яратиш режалаштирилмоқда.

Будданинг 17 та олтин ҳайкали топилди

Шри-ланкалик археологлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектда олтин билан қопланган 17 та Будда ҳайкалини қазиб олди.

“The Straits Times” нашрида хабар берилишича, топилма қадимий пойтахт — Анурадҳапурада жойлашган Абҳаягири ибодатхонаси мажмуаси деворида ўтказилган қазишмалар пайтида топилди. Ҳукуматнинг Марказий маданият жамғармаси вакили Тусита Ҳерат фикрича, “бу охирги 30 йилдан ортиқ вақт ичида ушбу ҳудудда қўлга киритилган энг қимматли топилмадир”.

Мутахассислар аввал ҳам осориатиқаларни топган, бироқ бундай кўп миқдордаги ҳайкаллар биринчи марта учрамоқда. Олтин суви юритилган 17 та бронза ҳайкал VII ва VIII асрларга оид экспонатларга ўхшаш хусусиятларга эга. Уларнинг ёши тахминан 1200 — 1300 йилга тенг деб баҳоланмоқда.

Китоб ўқиш саводхонликни оширади

Ҳиндистоннинг Тамилнад штати Эрод округида бир вақтнинг ўзида китоб ўқиш бўйича янги жаҳон рекорди қайд этилди. “ANI News” нашрида хабар берилишича, мазкур йирик акцияда 206 706 киши қатнашди.

Келтирилишича, шу йил 31 июлдан 12 августгача бўлиб ўтган 22-Эрод китоб фестивали ташкилотчилари округдаги ўқув юртлари, кутубхоналар ва жамоат жойларида 519 та майдонча ажратган, у ерда иштирокчилар ярим соат давомида бир вақтда бадиий ва илмий-оммабоп адабиётларни ўқиган. Бундай кенг кўламли акцияни ўтказишдан асосий мақсад — рақамлаштириш даврида маҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотларининг ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш ҳамда болаларнинг мобиль қурилмаларга қарамлигини камайтиришга интилиш.

Таъкидланишича, бу каби ташаббуслар босма нашрларга қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатмоқда. 2026 йилга келиб штатда саводхонлик даражаси 80 фоиздан ошган.

Аёллар фаровонлигига оид халқаро рейтинг

“Visual Capitalist”да тақдим этилган инфографика Жоржтаун Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик институтининг “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” индекси маълумотларига асосланган. Рейтингга жами 181 давлат киритилган. Мазкур индекс аёлларнинг жамиятдаги иштироки, адолат ва хавфсизлигини 13 та кўрсаткич асосида баҳолайди.

Унда таълим, бандлик, молиявий хизматлардан фойдаланиш, парламентдаги вакиллик, ҳуқуқий тенглик, адолатга эришиш, оналар ўлими, оиладаги зўравонлик ва жамоат хавфсизлиги каби мезонлар ҳисобга олинади. Энг юқори натижа 1 баллга яқин ҳисобланади, бироқ рейтингдаги ҳеч бир давлат 1 баллга етмаган. Энг юқори кўрсаткичлар, асосан, Шимолий Европа мамлакатларида қайд этилган. Рейтингда биринчи ўринни Дания эгаллаб, 0,939 балл тўплаган. Кейинги ўринларда Исландия — 0,932, Норвегия — 0,924, Швеция — 0,924 ва Финляндия 0,921 балл билан жойлашган.

Рейтингнинг энг қуйи учлиги эса Афғонистон, Яман ва Марказий Африка Республикасидан иборат.

Сайёҳлар сонида рекорд кўрсаткич

“Kyodo” нашридаги хабарга кўра, жорий йил июль ойида Япония 3,44 миллион нафар хорижлик сайёҳни қабул қилди. Бу мазкур ой учун рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Яъни Кунчиқар юртга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,1 фоизга ошган.

Япония Миллий туризм ташкилоти маълумотларига кўра, мамлакатга энг кўп хорижлик сайёҳ Жанубий Кореядан келган — қарийб 900 минг нафар. Бу олдинги ой кўрсаткичига нисбатан 31,9 фоиз кўп.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Япония 1 июлдан бошлаб хорижликлар учун виза йиғимларини беш баробар оширган эди.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.


Халқаро Амир Темур жамоат фонди Фонднинг Тошкент вилояти бўлими раҳбари
Муҳаббат ШОЮСУПОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Келгуси йили мамлакатимизда Тошкент халқаро молия маркази ва «Enterprise Uzbekistan» халқаро рақамли технологиялар маркази ишга туширилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 22 август

Барҳаёт сатрлар

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.



Тун пардаси очилиб аста,
Чиқиб келар саҳнага қуёш.
Келинчакдек бўлиб ораста,
Гул саломдан кўтаради бош.
Ҳовли гўё артилган чинни,
Йўллар гўё ювилган ойнак.
Қутлаш учун янги бу кунни
Эл оёққа турар жонсарак.
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,
Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Қаймоқ иси яйратар танни,
Дастурхонда иссиқ кулчалар.
Сув босгандек қақроқ ўзанни,
Одамларга тўлар кўчалар.
Асли ҳатто гўдак эмизмоқ
Баробардир оғир юмушга.
Ошиқарлар юраклар қайноқ,
Биров ишга, биров ўқишга.
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,
Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Дуч келади юзлаб чеҳралар,
Кўпин қайтиб кўрмоқлик маҳол.
Улар дилга яқин нақадар,
Шунинг ўзи туганмас иқбол.
Барчинойлар нигоҳида сир,
Алпомишлар кўзида яшин.
Ёшлик қайтар қалбга сочиб нур,
Эслайсан илк севги оташин...
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,
Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Бир маҳаллар беришган салом,
Энди эса олишар алик.
Тилларида дуо, хуш калом,
Саодатдир ҳатто кексалик.
Кулиб турган мунчоққўз бола
“Тинчлик” сўзин солар ёдингга.
Сочларингдан эриб оқ тола,
Интиласан яна олдинга.
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,
Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Бу юртда алп чинорлар ўсар,
Кўк гумбазлар ўнгу сўлингда.
Бир азага кириб ўтсанг гар,
Сўнг ўнта тўй учрар йўлингда.
Гоҳ бировлар танишар илк бор,
Гоҳ йиғилар эски улфатлар.
Одамзодга дунё бўлмас тор,
То мавжуддир ширин суҳбатлар...
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,
Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Бош кўтармас кимдир ишидан,
Кимдир ўйлар улуғ бир режа.
Яна сирли ором қушидай
Қўна бошлар юртимга кеча.
Бугунидан эл кўнгли тўлиб,
Эртанги кун учун тўплар дош.
Анвар шоир чарчоғи бўлиб,
Тоғ ортига ёнбошлар қуёш...
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,
Умрнинг ҳар дами ғанимат.

Келажак муҳандисларини тайёрлаш – тараққиётнинг муҳим шарти

Бугун дунё саноатининг қиёфаси кескин ўзгараётган бир пайтда мамлакатнинг технологик келажагини ким яратади, деган саволга жавоб битта — муҳандис. Айниқса, машинасозлик муҳандиси ғояни чизмага, чизмани технологияга, технологияни эса реал маҳсулотга айлантира оладиган мутахассисдир. Шу боис машинасозлик учун етук кадрлар тайёрлаш нафақат таълим, балки мамлакат саноатининг рақобатбардошлиги ва технологик мустақиллиги масаласи, десак, айни ҳақиқат.

Нуқтаи назар



Машинасозлик металлга ишлов бериш, автоматлаштириш, асбобсозлик, автомобилсозлик, энергетика, транспорт каби кўплаб тармоқлар учун технологик пойдевор яратади. Замонавий муҳандис эса фақат чизма ва ҳисоб-китоб билан чекланмайди. У рақамли моделлаштириш, РДБ дастгоҳлари, автоматлаштирилган линиялар, сифат назорати, энергия самарадорлиги ва ишлаб чиқариш маълумотлари билан ишлай олиши керак.

Тошкент давлат техника университети механика муҳандислиги факультетининг Машинасозлик технологияси кафедраси фаолиятида ана шу талабларга мос кадрлар тайёрлашнинг изчил тизими шаклланмоқда.

Таълим — ишлаб чиқариш билан бирга

Замонавий муҳандисни фақат аудиторияда тайёрлаб бўлмайди. Талаба дастгоҳни кўриши, технологик жараённи кузатиши, реал деталга ишлов бериши ва қабул қилган қарорининг натижасини баҳолай олиши зарур.

Шу мақсадда кафедрада таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2026 йилнинг I ва II чораклари якунлари бўйича дуал таълимга жалб этилган талабалар сони режалаштирилган 25 нафардан 55 нафарга етказилди. “UzAUTO-INZI” ва “Меридиан-А” каби корхоналар билан ҳамкорликда талабалар автоматика, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, заготовкаларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш каби фанларни бевосита корхона муҳити билан боғлаган ҳолда ўрганмоқда. Малакавий амалиётларнинг корхоналарда ташкил этилаётгани ҳам бу жараённинг муҳим қисми.

Бундай ёндашувнинг афзаллиги шундаки, талаба ўқиш давридаёқ ишлаб чиқариш муҳитини англайди, технологик интизом ва жамоада ишлаш кўникмасини эгаллайди. Иш берувчи эса корхона талабларини тушунадиган, амалиётга мослашган ёш мутахассисга эга бўлади.

Машинасозликнинг янги босқичи рақамли технологиялар билан чамбарчас боғлиқ. РДБ дастгоҳлари, CAD/CAM тизимлари, автоматлаштирилган бошқарув, сенсорлар ва рақамли мониторинг ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Кафедранинг илмий лойиҳаларида ҳам шу йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, РДБ дастгоҳларида кесувчи асбобларнинг ейилишини реал вақт режимида аниқлаш ва прогнозлаш, вибрация, акустик сигнал ҳамда электр параметрлари асосида асбоб ҳолатини мониторинг қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

> ***“Муҳандислик таълимининг ҳақиқий самараси, аввало, битирувчининг меҳнат бозоридаги ўрнида намоён бўлади. 2024/2025 ўқув йилида “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” бакалавриат йўналишини 256 талаба тамомлаган бўлиб, уларнинг 246 нафари иш билан таъминланган. Бу 95,16 фоизлик кўрсаткичдир. “Машинасозлик ишлаб чиқаришининг автоматлаштирилган дастгоҳлар комплекслари” магистратурасини тамомлаган битирувчиларнинг эса 100 фоизи ўз иш жойларига эга бўлди.”***

Яна бир муҳим йўналиш — энергия самарадорлиги. Кесиш тезлиги, суриш ва кесиш чуқурлиги билан энергия сарфи ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш ва оптимал ишлов бериш режимларини аниқлаш орқали айрим шароитларда энергия сарфини 15 — 25 фоизгача камайтириш имконияти кўзда тутилган.

Демак, бугунги талаба дастгоҳнинг фақат қандай ишлашини эмас, унинг “тили”ни — юклама, вибрация, ейилиш, аниқлик, энергия ва сифат ўртасидаги боғлиқликни тушуниши лозим.

Муаммо — тадқиқот — ечим — амалий натижа

Университетнинг салоҳияти нафақат талабалар сони, балки илмий изланишларининг реал муаммоларга қанчалик ечим бераётгани билан ҳам белгиланади.

Сўнгги йилларда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан халқаро нуфузли журналларда юздан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Уларнинг 35 таси “Scopus” ва “Web of Science” базаларида индексланувчи “Q2”, “Q3” ва “Q4” квартал журналларида берилди. Шунингдек, маҳаллий илмий журналларда қарийб 100 та мақола, халқаро ва республика конференцияларида 200 дан ортиқ тезислар эълон қилинди, 6 та монография ва 4 та патент яратилди.

Энг муҳими, ўндан ортиқ илмий ишланмалар мамлакатимиздаги етакчи корхоналарда амалиётга жорий этилди. Демак, илмий фаолият “мақола учун мақола” тамойилига эмас, “муаммо — тадқиқот — ечим — амалий натижа” занжирига асосланмоқда.

Кафедрада қийин ишлов бериладиган материалларга механик ишлов беришда минимал мойлаш технологияси, кесувчи асбобларнинг ейилишини назорат қилиш, кесиш режимларини оптималлаштириш, мураккаб геометрияли деталларни лойиҳалаш, дастгоҳ юритмаларини такомиллаштириш ва рақамли бошқарув тизимларини ривожлантириш каби амалий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Илмий мактабнинг яна бир муҳим натижаси — ёш тадқиқотчилар авлодининг шаклланаётганидир. Сўнгги йилларда кафедра билан боғлиқ ўндан ортиқ PhD диссертациялари ҳимоя қилинди. 2026 йил кўрсаткичларида кафедранинг илмий салоҳияти 38 фоиздан 50 фоизга ошди.

Бугун муҳандислик таълими миллий тажриба билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Замонавий технологиялар жуда тез янгиланар экан, халқаро ҳамкорлик келажак муҳандисини тайёрлашнинг муҳим шартига айланмоқда.

2025/2026 ўқув йилидан Тошкент давлат техника университети ва Н. Бауман номидаги Москва давлат техника университети ўртасида Машинасозлик технологияси бўйича қўшма магистратура дастури йўлга қўйилди. Унинг доирасида 15 нафар битирувчи Москвадаги университет магистратурасига қабул қилинди.

Қ. Сатпаев номидаги Қозоғистон Миллий тадқиқот техника университети билан академик мобиллик дастури, Беларусь Миллий техника университети билан қўшма грант лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шунингдек, Хитой, Италия ва Туркия олий таълим муассасалари билан қўшма илмий лойиҳалар йўлга қўйилган.

Бундай ҳамкорликлар эса талабага замонавий муҳандислик ютуқларини назарий манбалардан эмас, балки халқаро таълим ва амалий лойиҳалар орқали ўрганиш имконини беради.

Меҳнат бозорида ўз ўрнини топаётган кадр

Муҳандислик таълимининг ҳақиқий самараси, аввало, битирувчининг меҳнат бозоридаги ўрнида намоён бўлади. 2024/2025 ўқув йилида “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” бакалавриат йўналишини 256 талаба тамомлаган бўлиб, уларнинг 246 нафари иш билан таъминланган. Бу 95,16 фоизлик кўрсаткичдир. “Машинасозлик ишлаб чиқаришининг автоматлаштирилган дастгоҳлар комплекслари” магистратурасини тамомлаган битирувчиларнинг эса 100 фоизи ўз иш жойларига эга бўлди.

Бу рақамлар машинасозлик мутахассисларига ишлаб чиқаришда реал эҳтиёж борлигини кўрсатади. Бундан ҳам муҳими, битирувчи диплом билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган амалий компетенцияларга эга бўлиб чиқмоқда.

Ёшларни техника таълимига жалб этиш уларга муҳандислик касбининг бугунги ва эртанги имкониятларини кўрсатишдан бошланади. Бугунги машинасозлик кечаги тасаввурдаги чизма ва дастгоҳдан анча йироқ. РДБ дастгоҳлари, “3D” моделлаштириш, роботлаштирилган жараёнлар ва замонавий лабораториялар ёшларга муҳандисликнинг кенг имкониятларини намоён этмоқда.

Кафедрада мактаб ва техникум битирувчилари билан учрашувлар ўтказилиб, таълим йўналишлари, замонавий лабораториялар, дуал таълим ва битирувчиларнинг ишга жойлашиш истиқболлари ҳақида маълумот берилмоқда. Чунки муҳандисликни тарғиб қилишнинг энг самарали йўли — унинг келажагини сўз билан эмас, амалиёт билан кўрсатиш.

Ёшлар замонавий дастгоҳни кўрса, ўз ғоясининг қандай қилиб реал маҳсулотга айланишини ҳис қилса, муҳандислик унинг учун шунчаки таълим йўналиши эмас, келажак касбига айланади.

Устоз, лаборатория ва соғлом муҳит

Ҳар қандай муҳандислик мактабининг энг катта бойлиги — замонавий технологияни чуқур биладиган ва ўз тажрибасини ёш авлодга бера оладиган профессор-ўқитувчилар жамоасидир.

2025/2026 ўқув йилида кафедранинг асосий штатида 16 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритиб, илмий салоҳият 50 фоизни ташкил этди. Кўп йиллик тажрибага эга устозлар ва рақамли технологияларни яхши ўзлаштирган ёш мутахассисларнинг ҳамкорлиги муҳандислик мактабининг узвийлигини таъминламоқда.

Шу билан бирга, лаборатория базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. 2025/2026 ўқув йилида лаборатория ва амалий машғулотлар учун зарур материаллар харид қилинди. “EASTWEST” МЧЖ билан ҳамкорликда 120 млн. сўмлик инвестиция жалб қилиниб, металл кесувчи асбоблар билан таъминлаш имконияти кенгайтирилди.

Халқаро илмий-техник конференциялар эса профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун янги ғоялар, илғор тажрибалар ва замонавий технологиялар муҳокама қилинадиган муҳим майдонга айланмоқда.

Машинасозлик учун кадрлар тайёрлаш мамлакатнинг технологик мустақиллиги ва келажакдаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган стратегик вазифадир. Университет, кафедра, илм-фан ва ишлаб чиқариш бир бутун тизим сифатида ишлагандагина бу вазифа самарали ҳал этилади.

Бугун машинасозлик йўналишини танлаган талаба, аслида, ўз касбидан кўра кўпроқ нарсани танлайди, яъни мамлакат келажагини яратишда иштирок этиш имкониятини. Унинг чизмаси эртага деталга, илмий ғояси янги технологияга, тажрибаси ишлаб чиқаришдаги самарага айланиши мумкин.

Келажак тайёр ҳолда келмайди. Уни лойиҳалаш, ҳисоблаш ва яратиш керак. Ва бу иш, аввало, муҳандисдан бошланади.

Нажмиддин МИРЗАЕВ,
Тошкент давлат техника университетининг Машинасозлик технологияси кафедраси мудири, доцент.

ЖАҲОН КУБОГИ БАҲСЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон 8 октябрдан 10 октябрга қадар сузиш бўйича жаҳон кубоги босқичига мезбонлик қилади. Мусобақа уч ҳафта давомида ўтказиладиган Евроосиё турнесининг иккинчи босқичи бўлиб, унда 50 дан ортиқ мамлакатлардан 750 нафардан зиёд спортчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Сув спорти



Нуфузли турнир “World Aquatics” (Жаҳон сув спорти) ташкилоти тақвимига киритилган бўлиб, Тошкент авval 2017 ва 2018 йилларда бадиий сузиш бўйича турли кичик босқичларга мезбонлик қилган. Ташкилот президенти Ҳусайн ал-Мусаллам унинг Ўзбекистонда ўтказилишини қуйидагича таъкидлади: “Сузиш бўйича жаҳон кубогини илк бор Ўзбекистонга олиб келиш — “World Aquatics” учун аҳамиятли муҳим босқич. Ипак йўли тури Марказий Осиё бўйлаб ёш сузувчиларнинг янги авлодини руҳлантириш учун улкан имконият яратади”.

Мусобақа бошланишига бир ойдан кўп вақт қолган пайтда Ўзбекистон “World Aquatics Swimming World Cup” тақвимидаги дебютга тайёргарликнинг сўнгги палласини якунламоқда. Бу йирик турнир мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. 2026 йилги жаҳон кубоги туркумининг иккинчи босқичи пойтахтимиздаги “Aquatic Palace” мажмуасида бўлиб ўтади. 2 222 томошабинга мўлжалланган Тошкентдаги йирик спорт иншооти Олимпия шаҳарчаси таркибига киради.

Жаҳон кубогининг дастлабки босқичига 1 — 3 октябрь кунлари Боку (Озарбайжон) шаҳри мезбонлик қилади. Ўзбекистондаги босқичдан сўнг баҳслар 15 — 17 октябрь кунлари Остона (Қозоғистон)да якунланади. Мезбон шаҳарлар — Боку, Тошкент ва Остона “Ипак йўли тури” (“Silk Road Tour”)ни ташкил этади. Учта босқич доирасида спортчилар 1,2 миллион долларлик умумий мукофот жамғармаси учун баҳс олиб боради. Шунингдек, жаҳон рекордлари ва учала босқичнинг барчасида ғолиб чиққан сузиш усталари учун қўшимча бонуслар ҳам кўзда тутилган.

Мазкур турнирлар 18-жаҳон сув спорти чемпионати (25 метрлик бассейн)га тайёргарликнинг муҳим босқичи бўлади. Дунё биринчилиги 1 — 6 декабрь кунлари Пекин шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TOSHKENT ARXITEKTURA-QURILISH UNIVERSITETI

2027-yil uchun oliy ta’limdan keyingi o‘quvga quyidagi ixtisosliklar bo‘yicha qabul e’lon qiladi:

Ixtisosliklar	Doktorantura	Tayanch doktorantura
05.09.01 - Qurilish konstruksiyalari, bino va inshootlar	0	4
05.09.03 - Issiqlik ta’minoti. Ventilyatsiya, konditsionerlash. Gaz ta’minoti va yoritish	0	3
05.09.05 - Qurilish materiallari va buyumlari	1	4
05.09.08 - Qurilish texnologiyasi va qurilish jarayonlarini tashkil qilish	0	4
08.00.03 - Sanoat iqtisodiyoti	0	2
08.00.13 - Menejment	0	2
18.00.01 - Arxitektura nazariyasi va tarixi. Arxitektura yodgorliklarini ta’mirlash va tiklash	0	4
18.00.02 – Rayonlashtirish. Shaharsozlik. Qishloq turarjoylarini rejalashtirish. Landshaft arxitekturasi. Bino va inshootlar arxitekturasi	1	6
18.00.02 – Rayonlashtirish. Shaharsozlik. Qishloq turarjoylarini arxitekturasi	1	6
18.00.02 – Rayonlashtirish. Shaharsozlik. Qishloq turarjoylarini rejalashtirish. Landshaft arxitekturasi. Bino va inshootlar arxitekturasi (Texnika fanlari)	1	4

Hujjatlar 2026-yilning 15-sentabridan 15-oktabr kunigacha qabul qilinadi.
Kirish imtihonlari joriy yilning 10 — 25 noyabr kunlari o‘tkaziladi.
Eslatma: talabgorlar “daraja.ilmiy.uz” yagona elektron platformasi orqali ro‘yxatdan o‘tishlari lozim.
Manzil: 100100, Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangi shahar ko‘chasi, 9-uy.
TAQU Oliy ilm-fan maktabi. Elektron pochta: a.metyakubov@taqu.uz

Эндиликда катта экспорт бозоримиз бўлган 20 та ва истиқболи юқори яна 5 та давлатда фаол ишлаётган тадбиркорларга «экспорт элчилари» мақоми берилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6760

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни —00.50 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6